

Ҳаромни ҳалолга “айлантириб” берадиган “афсунгарлар”

6-бет



Қонунларни ҳурмат қилиш ҳар кимнинг онгли танлови бўлсин

7-бет



Ўз “қонуни”га эга 8 та ташкилот “тўр”га тушди

8-бет



Карантин шароитида ДХМлар қандай ишляпти?

9-бет



ИНСОН ва ҚОНУН

28 июль 2020 йил / № 26-27 (1230-31)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

MADAD
Huquqiy maslahat byurosi

7-бет
Ҳуқуқий мадад
ҳаммага,
ҳар доим,
ҳамма жойда!

4-БЕТ

СУДНИНГ
АДОЛАТ ҚЎРҒОНИГА
АЙЛАНИШИ УЧУН

мустаҳкам замин яратилади

Суд амалиётининг таҳлили шуни кўрсатаптики, суд ҳимоясини таъминлашда ортиқча бюрократик тўсиқлар ёки бир қатор камчиликлар ҳам бор. Мана шу камчиликлар эъзига судларда ишлар тўлиқ ва ҳолис кўрилмаётгани, узоқ муддат чўзилаётгани ёки иқтисодий судларда апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилган кўплаб ишларнинг бекор қилинганлиги ёки ўзгартирилганлиги фуқароларда суд тизимига нисбатан ишонсизликни келтириб чиқармоқда. Баъзи бир қуйи судларнинг қарорлари юқори турувчи инстанциялар томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши суд ишларининг ҳар томонлама юқори савияда кўриб чиқилганлигига шубҳа туғдирмоқда.

2,3-БЕТЛАР

hudud24
Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнгги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

буларнинг барчасини ўзингиз кутган сайтда кузатинг

[@hudud24official](https://www.instagram.com/hudud24official)



ОНЛАЙН ХИЗМАТИДАН Фойдаланиш кўпайди

10-БЕТ



Одил судлов йўлидаги ислохотлар давом этмоқда

11-БЕТ



ҲАММА НАРСА ҚАЙТАДИ

12, 13-БЕТЛАР



ЧИММАТЛИ ХОНИМ

14, 15-БЕТЛАР

СУД амалиётининг таҳлили шуни кўрсатаптики, суд ҳимоясини таъминлашда ортиқча бюрократик тўсиқлар ёки бир қатор камчиликлар ҳам бор. Мана шу камчиликлар эъзига судларда ишлар тўлиқ ва ҳолис кўрилмаётгани, узоқ муддат чўзилаётгани ёки иқтисодий судларда апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилган кўплай ишларнинг бекор қилинганлиги ёки ўзгартирилганлиги фуқароларда суд тизимига нисбатан ишончсизликни келтириб чиқармоқда. Баъзи бир қуйи судларнинг қарорлари юқори турувчи инстанциялар томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши суд ишларининг ҳар томонлама юқори савияда кўриб чиқилганлигига шубҳа туғдирмоқда.

Президентимиз томонидан 2020 йил 24 июль кунини қабул қилинган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони айнан суд амалиётидаги мана шундай камчиликларнинг барҳам этилишида муҳим аҳамият касб этади.

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган давра суҳбатида давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган Фармонининг мазмун-моҳияти, унда белгиланган муҳим вазифалар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар билдирилган.

СУДНИНГ

АДОЛАТ ҚЎРҒОНИГА АЙЛАНИШИ УЧУН



Ботир МАТМУРОДОВ,
 Олий Мажлиснинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси, юридик фанлар доктори:

— Мазкур Фармонда белгиланган вазифаларнинг ижроси биринчи навбатда одил судловнинг сифати ва шаффофлигини янада оширишга, суд тизимини изчил демократлаштиришга, суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлашга олиб келади.

Ҳуқуқшўнос сифатида фикрларимни давом эттирадиган бўлсам, Фармонда назарда тутилган ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш мақсадида суд тизимидаги ташкилий-тузилмавий ўзгаришларнинг амалга оширилиши ниҳоятда ўринли.

Жумладан, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умуумюрисдикция судларини ташкил этиш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш;

маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманларо маъмурий судларини ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши;

айрим туманлар иқтисодий судларининг тугатилиши ёки фуқаролик ишлари бўйича баъзи бир туман судларининг ташкил этилиши, худди шундай жиноят ишлари бўйича бир қатор туманлар судларининг ташкил этилиши кўплай фуқаролар учун қулайлик туғдиради.

Олий Мажлис Сенатига ёки бизнинг Қўмитамизга ҳам жуда кўплай жисмоний ёки юридик шахслар низолашаётган масала қайси судга тааллуқли эканлиги борасидаги муаммолардан қийналаётганлигидан, натижада у суд идораси билан бу суд идораси ўртасида сарсон бўлаётганликларидан шикоят қилишди. Юқорида санаб ўтилган суд тизимидаги структуравий ўзгартиришлар амалиётдаги айни шу муаммонинг ечимига асос бўлади. Мен Фармоннинг биргина жиҳатига қисман тўхталиб ўтдим. Ваҳоланки, мазкур Фармонда суд тизимини булғунган замон талабларига мослаштириш учун ўндан ортиқ вазифалар кўйилган.



Дилшод АРИПОВ,
 Судьялар олий мактаби директори ўринбосари, юридик фанлар номзоди:

— Ботир Дждолдашевичнинг фикрларини кўлаб-қувватлаган ҳолда айтиш кераки, бугунги кунда фуқаролар ва тадбиркорлар ўзларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга мурожаат қилишларида судловга тегишлилик қоидаларининг бир мунча мураккаблиги боис, фуқаролик ишлари бўйича судлардан маъмурий судларга, маъмурий судлардан иқтисодий судларга қайта-қайта мурожаат қилиш ҳолатлари мавжуд. Бу эса жабр низолашаётган шахсларга қўшимча зарба бўлиб, уларнинг ҳуқуқлари ўз вақтида ҳимоя остига олинмасдан, судларга бўлган ишончсизлик ва ҳурматсизлик ортишига сабаб бўлаяпти. Шунинг учун Фармонда фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини амалда таъминлаш билан боғлиқ муҳим муаммага алоҳида эътибор қаратилиб, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умуумюрисдикция судларини ташкил этиш белгиланди.

Бундан ташқари, вилоят судларининг амалдаги тарқоқ тузилмаси бир хил мазмундаги ишлар бўйича турлича қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлиб, ягона суд амалиётини шакллантиришга, қонуниларни бир хилда ва тўғри қўлланилишига тўсқинлик қилмоқда.

Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича судлар мансабдор шахсоннинг ноқонуний қарорига асос бўлган ҳужжатларни (баённо-

ма, хулоса, маълумотнома ва ҳ.к.) ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талабни судловга тааллуқли эмаслиги сабаб тугатаётган бўлса, айрим маъмурий судлар томонидан ушбу ҳужжатлар ҳақиқий эмас, деб топилмоқда. Албатта, мазкур турлича ёндашувлар фуқароларнинг судларга бўлган ишончини пасайишига ва суд қарорларидан ҳақли норозиликка сабаб бўлмоқда. Биргина 2019 йилнинг ўзиде 58 мингдан ортиқ фуқаро ва тадбиркорлар судлардаги сарсонгарчиликларга нисбатан ўз эътирозларини билдирганлар.

Вилоят даражасидаги фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлар бирлаштирилиб, ягона умуумюрисдикция судларининг ташкил этилиши юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф этиши билан бирга илгор хорижий давлатлар амалиётига ҳам монанддир. Масалан, Франция, Италия, Канада, Жанубий Корея, Қозғоғистон, Беларусь ва бошқа давлатларда ўрта бугун умуумюрисдикция судлари фуқаролик, жиноят ва иқтисодий ишлар бўйича ягона суд сифатида фаолият юритади.

Ривожланган давлатлар суд тизимини ўрганиш натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, асосий мақсад ишларнинг юқори инстанцияларда қайта-қайта кўрилишига йўл қўймасдан, суд қарорини бир марта қайта кўриш билан унга тугал нуқта қўйишга қаратилган. Айниқса, бутун дунёда тан олинган апелляция ва кассация тартибида ишларни кўриш амалиёти кенг қўлланиладиган бир даврда, мамлакатимизда “Собиқ Иттифқоқ давридан қолиб кетган”


назорат, деб аталмиш яна бир инстанциянинг фаолият кўрсатиши умуман суд ислохотларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётган ҳолат эди.

Шунга кўра, Фармонда Олий суд томонидан ҳар қандай ишни назорат тартибида кўриб, қуйи судларга таъсир кўрсатишдек номақбул амалиётдан тўлиқ воз кечилиши назарда тутилиб, судьялар мустақиллигини таъминлаш, уларга адолатли қарор қабул қилишда босим ўтказишга йўл қўймаслик, ишларнинг йиллаб қайта кўрилишига барҳам бериш мақсадида Олий суд раиси ва Бош прокурорнинг протест келтириш ҳуқуқи бекор қилинди.

Қайд этиш лозимки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян 2019 йилда Ўзбекистонга ташрифи чоғида ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиб, судларда ишларни “назорат тартибида кўриш” институтини бекор қилиш бўйича ўз тавсиясини билдирган.

Фармон билан суд терговини жараёнида инсон ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тарафларнинг тортишувчанлиги тамойилини амалда рўёбга чиқариш мақсадида жиноят судларида дастлабки эшитув босқичи жорий этилмоқда.

Мазкур институт нафақат англо-саксон суд тизимида (АҚШ, Буюк Британия ва ҳ.к.), балки романо-герман суд тизимида (Германия, Франция ва ҳ.к.), шу жумладан, МДҲ мамлакатларида (Россия Федерацияси, Қозғоғистон ва ҳ.к.) ҳам жорий этилган.



МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЯРАТИЛАДИ



Азиз ОБИДОВ,
Олий суд матбуот
хизмати раҳбари:

суд органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтдаги амалиётдан келиб чиққан ҳолда айтиш керакки, Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармасига ҳам, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасидаги матбуот хизматларига ҳам жуда катта эҳтиёж бор эди. Сабаби, ҳозирги жуда шиддатли ахборот алмашинуви даврида деярли ҳар кунги ёки ҳар соатда медиа маконда юзага келаётган турли хил фикр-мулоҳазаларга тезкорлик билан муносабат билдиришни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Айниқса, сўнги пайтларда оммавий ахборот воситаларида, интернет сайтларида ёки ижтимоий тармоқларда суд ҳокимияти ва судьялар фаолияти билан боғлиқ турфа фикр-мулоҳазалар тарқатилмоқда. Аслида, буни табиий

жараён сифатида қабул қилишимиз керак. Очқ, эркин фуқаролик жамиятида худди шундай тенденция такрорланиб туради. Лекин ҳар бир давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўзларининг фаолиятларига нисбатан айтилаётган фикр-мулоҳазаларга муносабат билдириб туриши керак. Бунда, Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси ёки матбуот хизматлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу янги ташкил этилиши назарда тутилаётган тузилмаларнинг олдиди жуда катта масъулиятли вазифалар турибди.

Хулоса қилиб айтганда, янги тузилмалар суд ҳокимияти ва жамият ўртасидаги сифатли мулоқотни йўлга қўйиши, кенг жамоатчиликка суд тизимидаги ислохотларнинг мақсади, вазифалари ва натижалари ҳақида тезкор, ҳолис ва тўлиқ ахборот етказиб беришлари шарт.



Бахтиёр ҚИЛИЧЕВ,
Қашқадарё вилоят
маъмурий суди раиси в.б.

— Сўнги уч йилдан ортиқроқ вақт мобайнида алоҳида суд сифатида фаолият юритаётган маъмурий судларни амалиётдан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштиришга зарурият ҳам вужудга келди. Шунинг учун ушбу Фармонда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш;

маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманларо маъмурий судларини ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши масаласи ўз аксини топди.

Амалиётда кўпроқ оммавий-ҳуқуқий низоларни кўришга ихтисослашган маъмурий судларга баъзи бир жиноят ишига ўхшаш маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриш ҳам юклатилган бўлиб, бу гоҳида уларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни атрофлича ва сифатли кўриб чиқиш имконини чекламоқда. Шу ўринда статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, маъмурий судларда 2020 йил 6 ойида 183 минг (2019 йилда — 412 минг) маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар кўрилган.

Туман (шаҳар) маъмурий судлари негизда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманларо маъмурий судлар ташкил этилади. Бунда асосий эътибор нафақат судларга бўлган таъши таъсир ва аралашувларни бартараф этишга, балки мазкур тоифадаги ишларнинг ҳажмидан келиб чиқиб, бутун республика бўйича судьялар ўртасида адолатли иш ҳажмини тақсимлашга ҳам қаратилган. Жумладан, 2020 йил 6 ойида 6,9 минг (2019 йилда — 16 минг) оммавий ҳуқуқий низолар кўрилган бўлиб, бу умумий ишларнинг атиги 4 фоизини ташкил этади;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилади.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросининг таъминланиши суд органлари фаолиятини бугунги замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга тўла асос бўлади. Ва пировард натижада, қонун устуворлиги таъминланган, замонвий, ривожланган ҳуқуқий демократик давлат — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНда суд — "адолат кўргони"га айланишига мустаҳкам замин яратилади.

Давра суҳбатини Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.



Иzzатилла ТОЛИБОВ,
Судьялар олий
матбуоти етакчи
мутахассиси,
юридик фанлар
номзоди:

этадиган институтлардан бири бу — тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш масаласидир. Шубҳасиз, бу институтнинг амалда таъминланиши адолатли қарор чиқаришга асос бўлади. Демак, эндиликда жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида ҳам ўша иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда, энг муҳими, тарафлар иштирокида қабул қилиш тартиби белгиланади. Ўз навбатида, бу суд ишини кўраётган судьяга алоҳида масъулият юклайди.

Бундан ташқари, Фармон билан бир қатор тартибларни жорий этиш, жумладан:

- туманларо, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов хайъатлари томонидан апелляция тартибида қайта кўриб чиқиш;
- апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорларини Олий суднинг судлов хайъатлари томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш;
- Олий суд судлов хайъатлари

томонидан кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибида такроран кўриб чиқиш;

- давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш;
- прокурор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар муносабати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан чақириб олиб ўрганиш;
- қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан кўзгатишган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш каби муҳим масалалар белгиланмоқда.

Мазкур Фармоннинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унда белгиланган вазифалар бугунги кундаги суд амалиёти чуқур таҳлилдан келиб чиққан ҳолда қўйилган.

— Фармонда жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишининг умумий тартибда кўриб чиқилишига тўққинлик қилувчи омиллари тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичини киритиш назарда тутилмоқда. Бу тартиб суд амалиётига нима беради, деган табиий савол тугилади. Гап шундаки, суд процессида энг муҳим аҳамият касб



Биз Сиздан пул сўрамаймиз! Беминнат ёрдам берамиз. БИЗ ҲАММА ЖОЙДА БОРМИЗ!

Кўшним уйим олдидан қувур ўтказмоқчи. Мен эса қаршиман...

— ЯНГИ уйга кўчиб келган кўшни уйимнинг олдидан сув қувури ўтказмоқчи, бунга рухсат бермасликка ҳаққим борми?

— Бу ҳолатда кўшнингиз Фуқаролик кодексининг 173-моддасига асосан, Сизга тегишли бўлган ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқини беришни талаб қилишга ҳақлидир, бу – сервитут ҳуқуқи ҳисобланади.

Ер участкасида сервитут белгиланиши ер участкаси эгасининг ушбу участкага эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларидан маҳрум этмайди. Сервитут белгиланиши талаб қилаётган шахс билан ўзга ер участкасининг эгаси ўртасидаги битимга мувофиқ сервитут белгиланади ва у кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Сервитутни белгилаш ҳусусида келиша олинмаса ёки унинг шартларида муроасага келинмаса, баҳс сервитут белгиланиш талаб қилаётган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳал этилади.

Шунингдек, сервитут белгиланган участканинг эгаси, агар қонунда бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, сервитут кимнинг фойдасини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахсдан участкадан фойдаланганлик учун мутаносиб ҳақ талаб қилишга ҳақли ҳисобланади.

Судга давлат божини бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинми?

— ТУРМУШ ўртоғим билан ажрашдим, бир фарзандимиз бор. Ота-онамнинг уйига қайтдим, лекин отам яшашига рухсат бермаслигини, уйга киргизмаслигини айтди. Эримнинг уй-жойидан яшаш ҳуқуқини олишим учун судга давлат божи тўлаш керак. Ҳозирги вақтда тўлаш учун маблағим йўқ. Давлат божининг миқдорини камайтириш ёки кечиктириб тўлаш мумкинми?

— Фуқаролик-процессуал кодексининг 133-моддасига асосан, давлат божини тўлашни кечиктиришга қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда йўл қўйилиши кўрсатилган. Суд тарафларнинг мулкӣ аҳволига қараб, улардан бирининг ёки иккаласининг давлат даромадида ундирилаётган суд харажатларини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйиши, шунингдек, бу харажатларнинг миқдорини камайтириши мумкин. Бунинг учун Сиз, фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилишингиз ва фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилишнинг миқдорини камайтириш босқичида суд харажатларини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисида илтимоснома ёзишингиз керак.

“Е-SUD” ахборот тизими — орқали фуқаролик ишлари бўйича судларга ариза ва даъво аризаларини электрон равишда мурожаат қилиш имкони яратилган. Ҳозирги карантин вақтида Сиз ушбу ахборот тизимидан фойдаланишингиз мумкин.

Ёзма мурожаатимга оғзаки жавоб беришди, бу тўғрими?

— МЕН маҳалла фуқаролар йиғинига нафақа олиш учун ариза ёзиб борган эдим. Менга “Сизнинг оилангиз кам таъминланган оила эмас, ёрдам пули берилмайди”, деб аризамни қабул қилмасдан, оғзаки жавоб беришди. Шу тартибда жавоб берилиши тўғрими?

— Ҳар бир фуқаронинг мурожаати, албатта, қабул қилиниши ва тегишли тартибда кўриб чиқилиши керак.

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосан жисмоний шахснинг мурожаатида қуйидагича:

- жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлари;
- мурожаат юборилаётган давлат органи, ташкилотнинг аниқ номи, мансабдор шахснинг лавозими ёки фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган бўлиши;
- мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши;
- ёзма мурожаат мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси, мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши;
- мурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши кераклиги кўрсатилган.

Ёзма мурожаатингиз ушбу талабларга жавоб берилган бўлса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Фуқаро унинг мурожаатини қабул қилиш ва кўриб чиқиш асосиз равишда рад этилганлиги устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят беришга ҳақли.

Ипакчиликда бир мавсум ишлаш меҳнат стажига ўтадимми?

— ИПАКЧИЛИК фермер хўжалигида ишлайман, бир мавсум ишлаш пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнат стажига ўтиши ростми, бу қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатда кўрсатилган?

— Ҳа, бу тўғри. Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан “Тўлиқ бир мавсум ишлаш пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнат стажига ўтадиган мавсумий ишлар ва саноатнинг мавсумий тармоқлари Рўйхати”да ипакчилик тармоғи қорхоналари ва фермер хўжаликларидаги ишчилари ҳам кўрсатилган.



Саволларга “Мадад” ННТнинг Амударё тумани ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Айгул МАШЕРИПОВА жавоб берди.

Бир марталик моддий ёрдам кимларга берилади?

— ОПАМ II-группа ногирони, онкологик касал. Жароҳлар уни операция қилиш кераклигини айтишди. Ҳозирги кунда молиявий жиҳатдан қийин аҳволдаимиз. Бир марта бериладиган моддий ёрдам кимларга берилади ва қайси жойга мурожаат қилишимиз керак?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 мартдаги қарорига асосан муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдам тайинлашнинг аниқ миқдори муҳтож оила тушган ҳаётӣ вазиятнинг мураккаблигини инобатга олган ҳолда, алоҳида ҳар бир ҳолат бўйича Комиссия томонидан белгиланади.

Ушбу қарорда бир марта бериладиган моддий ёрдам тўлиқ давлат таъминотида бўлмаган, ҳаётӣ мураккаб вазиятта тушган оилалар (фуқаролар) тоифаларига, биринчи навбатда, қуйидагиларга тайинланади:

- ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз фуқаролар ва пенсионерларга (ишга лаёқатсизларга ва ишга лаёқатли оила аъзолари бўлмаганларга), боқувчиси ногирон бўлган оилалар ва бошқа кам таъминланган аҳоли тоифаларига ва оилаларга;
- I-группа ногирони бўлган ёки оғир касалга чалинган (бутунлай ёки қисман ўз-ўзини боқиш имконига эга бўлмаган, иш фаолиятини олиб бора олмайдиган) фуқароларга;
- ўлим оқибатида ягона боқувчисини йўқотган оилаларга (уч ой муддат мобайнида);
- ногирон бола ёки I ёки II-группа ногирони бўлган ёки молиявий харажатларни талаб этадиган жарроҳлик аралашуви ёхуд узоқ вақт (беш ойдан кўпроқ) амбулаторияда даволаниши зарур бўлган оғир касалликка чалинган бошқа оила аъзосига қараб турган тўлиқ бўлмаган оиланинг ота-оналарига (оила аъзосига);
- ота-оналардан бири I ёки II-группа ногирони бўлган, иккинчиси эса иш фаолиятини тўхтатган ҳолда беморга қарашга мажбур бўлган ёки иккала ота-она ҳам I ёки II-группа ногирони бўлган икки нафар ва ундан кўп фарзандли тўлиқ оилаларга.

Бир марта бериладиган моддий ёрдамга муҳтож фуқаролар маҳалла йиғинига мурожаат қилиши мумкин.

СУДЛАР мустақил институт. Судьялар эса қонунга кўра одил судловни амалга оширадиган мансабдор шахс ва халқни орасида оқни оқ, қорани қора, дейдиган, ҳар қандай вазиятда адолатни рўёбга чиқарадиган инсон сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Ҳарҳолда бутун дунёда судьялар ва уларнинг фаолияти мана шундай тарзда тавсифланади. Яқинда Жарқўргон ва Сирдарёда судьялар билан боғлиқ бўлиб ўтган можаролар суд тизимининг мустақиллиги борасида ҳали қанчалик мўртлигини кўрсатди. Бу фақат ўзини ҳимоя қила олмаган, қонун билан шахси дахлсиз эканлигини кўрсата олмаган судья ёхуд қонунларни шунчаки ҳурмат қилмаган ички ишлар ходимининг эмас, бутун тизимдаги жуда кўп камчиликларнинг асорати сифатида кўриниб қолди.



Гулчехра ТУЛАҚАНОВА,

Тошкент давлат юридик университети "Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва адвокатūra кафедраси" профессори, юридик фанлар доктори

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА ЯНА БИР МУҲИМ ЎЗГАРИШ

Президентимиз 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлиса Мурожаатномасида судлар фаолияти ҳақида қуйидагича фикр билдирган эди: "Судлар ҳали-ҳамон адолат қарор топадиган масканга айланмади. Халқ судлардан норози. Ҳаммаси эски тос, эски ҳаммом. Бу соҳадаги ислохотларни қатъий ва изчил давом эттирамиз. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга халқнинг ўзи баҳо беради. Уларга бўладиган қатъий талаб халқнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир".

Ўтган уч йил давр ичида судларнинг фаолиятини такомиллаштириш борасида бир қанча қарорлар қабул қилинди. Маъмурий, иқтисодий судлар ташкил этилди. 2017 йил 1 июндан Ўзбекистонда Олий суд ва Олий ҳужалик суди бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд жараёнлари соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди. Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан оқлов ҳукми чиқариш ҳоллари кўпайди.

Аммо суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилган ислохотларга қарама-қарсидан, халқ орасида судларга ишончсизлик кайфияти ханузгача мавжуд. Бундай вазиятда суд тизими учун яна ўзгаришлар керак бўлмоқда.

БЕҒАРАЗ СУД ТИЗИМИ УЧУН НИМА КЕРАК?

Президентимиз томонидан 2020 йил 24 июлда "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон имзоланди. Қуйида мазкур Фармоннинг суд тизимини такомиллаштириш, одил судлов самарадорлигини ошириш ва энг асосийси, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясида қандай ижобий таъсир кўрсатиши борасида фикр юритамиз.

Фармонга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлари бирлаштирилиб, уларнинг негизда судьяларнинг қатъий иختисослашувини сақлаб қолган ҳолда ягона умумюрисдикция судлари ташкил этилади. 2017

йил 1 июнда Ўзбекистонда Олий суд ва Олий ҳужалик суди бирлаштирилганлиги бугунги кунга келиб катта самара бермоқда. Олий суддан кейинги бугун судларининг бирлаштирилиши ҳам суд тизимини бошқариш вазифаларининг такрорланмаслигига, ягона суд амалиёти таъминлишига, судлар тизимининг амалдаги тузилмаси ва штат бириги хизмат вазифаларини оқилона тақсимлаш, судларни замон талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш ва мақбуллаштиришга имконият яратади.

Ҳозирги кунда ҳар бир вилоят судида 4 нафардан 15 нафаргача судьялар фаолият юритаётган бўлса, янги ташкил этилаётган умумюрисдикция судларида 19 нафардан 47 нафаргача судья ишлайди. Тан олиш керак, жиноят ишлари бўйича судьяларнинг иши ҳам кўп, уларнинг малакаси ҳам бошқаларникидан юқори. Асосий иш юкламаси ҳам ана шу судьяларга тўғри келади. Мазкур бирлаштиришдан сўнг штатлар сони деярли уч баравар ошса, иш юкламалари ҳам тўғри тақсимланади, ишларнинг бир вилоятдан иккинчисига олиб берилиши натижасида фуқароларнинг сарсонгарчиликларига барҳам берилади.

Фармон билан:

- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилди;
- туман (шаҳар) маъмурий судлари тугатилиб, уларнинг негизда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлар ташкил этилди;
- 199 та туман (шаҳар) маъмурий судлари мақбуллаштирилиб, вилоят марказларида 14 та туманлараро маъмурий судлар ташкил этилди.

ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ҚАНДАЙ?

Маъмурий судлар тўғрисида жаҳон тажрибасига юзланадиган бўлсак, Англия ва АҚШ сингари ривожланган давлатларда иختисослашган маъмурий судлар бўлмаса-да, мазкур давлатларда инсон ҳуқуқларининг ҳимояси

ихтисослашган маъмурий ҳуқуқ мавжуд бўлган Германиядан кам даражада эмас. Америка Қўшма Штатларида суд ҳокимияти тармоғига кирмайдиган, ижро ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қарорлари қонунийлиги устидан назоратни таъминлайдиган квази судлар ёки трибуналлар ташкил этилган. Бундан ташқари, ижро этувчи ҳокимият тармоғидаги давлат бошқаруви органлари таркибида ташкил этилган трибуналларда маъмурий низола бўйича 1300 дан ортиқ судья фаолият олиб боради.

Германияда маъмурий судларнинг шаклланиш тарихи салмоқли даврни қамраб олади. Мамлакат тарихида маъмурий суд илк мартаба 1863 йилда Бадейда ташкил этилган. Кейинчалик маъмурий судлар Пруссия, Гессен, Вюртемберг ҳамда Баварияда фаолият юрита бошлаган. Германия давлати 16 худудга бўлинган бўлиб, ушбу худудларда 52 та маъмурий суд иш олиб боради. Ишлар коллегиал тарзда ва ҳар бир судья тор соҳасидаги ишларни юритади. Иш юритишда процессуал муҳиматлар мавжуд эмас. Уйлаймизки, маъмурий ишларни юритиш юзасидан ушбу давлатларнинг тажрибаси инобатга олинмоғи лозим.

ФАРМОН БИЛАН КИРИТИЛАЁТГАН АСОСИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Жиноят ишлари бўйича судларда дастлабки эшитув институтини жорий этиш назарда тутилмоқда.

2019 йилда 469 та иш судда бир неча ой кўрилгандан кейин дастлабки терговдаги камчиликларни бартараф этиш учун прокурорга қайтарилган. Эндликда, ишни судга тайинлаш жараёнида 7 сутка ичида судья мазкур масалани ҳал этиши мумкин бўлади.

Дастлабки эшитув институти кўплаб давлатлар жиноят процессида самарали қўлланиб келинмоқда. Жумладан, Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 229-моддаси, иккинчи қисмида дастлабки эшитувни тайинлаш учун қуйидаги асослардан бири бўлиши шарт: тарафларнинг жиноят ишлари

ни бирлаштириш тўғрисидаги илтимоснома; жиноят ишларини ажратиш учун асослар; қонуний кучга кирмаган суд ҳукми (агар янги жиноят иши келиб тушган шахсга нисбатан илгари жиноят содир этганлиги учун шартли судланганлиги аниқланган бўлса); маслаҳат судида жиноят иши кўрилишида юзага келган баъзи муаммоларни бартараф этиш; тарафларнинг Жиноят-процессуал кодексининг 247-моддаси, бешинчи қисми бўйича ишни судда муҳокама қилиш юзасидан илтимоснома; ишни тўхтатиш ёки тугатиш учун асослар; ишни айбловчига қайтариш учун асослар; тарафларни кечириши инкор қилувчи қандайдир далиллар келтирилган бўлса.

РФ Жиноят-процессуал кодексининг 236-моддасига асосан жиноят иши юзасидан дастлабки эшитув қуйидаги суд қарорларидан бирини қабул қилиш билан якунига етади: жиноят ишини терговга тегишлилиги бўйича қайтадан жўнатиш; жиноят ишини айбловчига қайтариш; иш юритувини тўхтатиш; жиноят ишини тугатиш; жиноят ишини якунлаб, айбланувчига нисбатан жарима қўллаш; жиноят ишини ажратиш ёки бирлаштириш.

Демак, дастлабки эшитув институти ҳам жиноят процессини соддалаштириш ва иштирокчилар манфаатлари ҳимояси учун хизмат қилади.

Шунингдек, прокурор суд жараёнида айбловдан воз кечган тақдирда, реабилитация асосларида кўра жиноят ишини тугатиш; прокурор томонидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан ишни ўрганиш учун чақириб олиш; прокурорнинг фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида ўз ташаббуси билан иштирок этишини чегаралаш назарда тутилмоқда.

Ортиқча суд босқичларини бекор қилиш орқали суд тизимининг "бир суд — бир инстанция" тамойилини жорий этилади. Хусусан, суд ишларини назорат тартибда кўриш институти тугатилади; бир судда ишларни

икки босқичда (биринчи ҳамда апелляция ёки кассация) кўриш амалиётига барҳам берилади.

Олий суд тузилмасида инвестициявий низоларни ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича алоҳида судлов таркиби тузилади.

2019 йилнинг ўзида иқтисодий судлар томонидан чет эл инвесторлари билан боғлиқ 3 мингга яқин, рақобатга оид 30 дан ортиқ ишлар кўрилган.

Суд тизимининг судьялари ва ходимларининг моддий таъминоти 2021 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ Давлат бюджетига ўтказилади ва уларнинг иш ҳақи оширилади.

Бундан ташқари, тегишли туман (шаҳар) аҳоли сонидан ва судларнинг ҳақиқий иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда тўртта туман иқтисодий судлари тугатилмоқда; 5 та туман фуқаролик судлари ташкил этилмоқда; янги ташкил топган 4 та туманда жиноят судлари ташкил этилмоқда.

■ ХУЛОСА

Мазкур Фармон суд ҳимоясини таъминлашдаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга, жиноят судлов ишларини соддалаштиришга, суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини такрорловчи босқичларини бекор қилишга, инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли суд ҳимоясида бўлиши таъминлашга, шунингдек, суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга ва энг асосийси, фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш даражасини юқори поғонага кўтаришга хизмат қилади. Агар бу ўзгаришлар тўғрисида қўлланилса суд тизимининг мустақиллиги, суд ходимларининг нуфузи ошишида ва қонун уларнинг дахлсизлиги таъминлиши борасида ҳам зарур натижаларга эришиш мумкин.



ҲАРОМНИ

ҳалолга "айлантириб" берадиган

ҲАР қандай жиноят ҳақида гап кетганда, кўнглимизда жиноятчиға нисбатан нафрат туйғулар пайдо бўлиши табиий. Жамиятимизга улар етказайтган зарар ва хунук оқибатлар ҳақида кўп гапирармиз. Аммо жиноят ва жиноятчилар ҳар доим янги "қийфалар"да, янги кўринишларда пайдо бўлаверишда давом этаверади. Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди мажлисида кўрилган навбатдаги иш тафсилоти ҳам эшитган кишини ҳушёр тортирадиган, унча-мунча одам боласи қўл урмайдиган иш.

"АФСУНГАРЛАР"

Суд мажлисида инсоф кўчасидан, виждон чегарасидан узоклашган кимсаларга, яъни касалланган ва ҳаром ўлган молнинг гўштини пуллаб юрган беш нафар фуқарога нафақат ҳукми ўқилди, балки миндан-минг лаънатлар ҳам ўқилди. Очкўзлик энг ёмон иллат. Ана шу иллат буғун суд залида бошини эгиб, мулзам бўлиб турган эркакларнинг юзига қора чиққортди. Очкўзлик чегарасидан ўтиб кетган бешовлон қилаётган қингир ишнинг оқибатини ўйлаб кўрмади, дейсизми? Фарзандларига ҳаром лўқма едиршдан ор қилмайдиган бу кимсалар қишлоқлардан касалланиб ҳаром ўлган молнинг гўштини ҳаром қилинганлигини била туриб, уни сотиш билан мухтазам шугулланганда наҳотки Оллоҳдан кўрқмади экан? Ҳаммасини билган, аммо нафс ва очкўзлик устун келган. Касалланиб ўлган молнинг гўштини сотиб бой бўлмоқчи бўлганлар афсуски, бегона эмас, кўз-кўзга, юз-юзга тушадиган ўзимизнинг ҳамшаҳримиз, маҳалладошимиз эканлиги қанчалар ачинарли.

Тасаввур қилинг, қорчалонлар шу касалланиб ҳаром ўлган молнинг истеъмолга яроқсиз гўштини болалар боччасига "ўтказишди", дейлик. Бу мактабгача тарбия муассасаларида мурғак ниҳолларнинг танасини заҳарлашдан кўрқмайдиган ноқўрларнинг ўзлари ва яқинларининг болалари ҳам тарбияланаётган бўлса-чи, деган савол уларнинг ҳаёлига кириб-чиқмади, дейсизми? Ахир, бу дунёда ҳеч нарса ҳисоб-китобсиз ёки ҳеч қандай ёмонлик жавобсиз қолмаслигини яхши биламиз-ку.

ОТАДАН ЎФИЛГА СУДНИНГ ҚОРА КУРСИСИ "МЕРОС" БЎЛДИ

Очкўзлик вазасаси суд залига етаклаганлар орасида ота-болалар, амалдор-мансабдорлар, аввал бир неча бор судланиб ҳам кўзи очилмаган, тавба қилмаганлар бор. Карманалик Хайрулла Олимов ёши элгини қоралаб қолганига қарамасдан, фарзандларига ўрناк бўлиш, уларга ҳалол лўқма едириб ўрнига ҳали ҳаётнинг балинд-пастини билмайдиган ўгли Нодир Олимовга ҳам ўз "хунари"ни ўргатди. Миллатимиз азалдан отасининг касби, хунарини эгаллаб фарзандлари отамерос қасбдан гурурланиб юрадиган миллат. Денятсиз отадан эса итоаткор ўғилга суднинг қора курсиси мерос қолди.

Ота Жиноят кодексининг 186-моддаси, 1-қисми, 28, 209-моддаси, 1-қисми, 211-моддаси 1-қисми билан ўғил эса Жиноят кодексининг 186-моддаси, 1-қисми билан айбдор, деб топилди.

Ихтиёр Шодиев ҳам қарманалик. У ана шу жиний гуруҳнинг асосий "фигуралари"дан бири. Жиноят кўчасига кириш унинг учун янгилик эмас. Кўр хассасини бир марта йўқотиб, сал ҳушёрроқ бўлади. У эса хассасини бир эмас, бир неча марта йўқотса ҳам парвои палаклардан.

Биринчи марта жиноят ишлари бўйича Кармана туман судининг 2010 йил 24 июндаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 241-моддаси, 2-қисми билан ва 62-моддаси тартибда 2 йилу 3 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Иккинчи марта 2014 йил 26 ноябрдаги жиноят ишлари бўйича Кармана туман суди томонидан Жиноят кодексининг 216-моддаси билан бўлган жиноят иши 2007 йил 30 ноябрдаги амнистия тўғрисидаги қарорга асосан тугатилган. Учунчи бор эса...

Учинчи бор — Жиноят кодексининг 186-моддаси, 1-қисми, 28, 209-моддаси, 1-қисми, 211-моддаси, 1-қисми билан айбланган.

Суднинг қора курсисига ўтирган яна бир асосий "қарамон" — Уктам Сувонов. У Навоий вилояти Хайвон касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази директори лавозимида ишлаган, қисқа қилиб айтганда, у хавфсизлик учун қўйилган хавфли раҳбарлардан бири бўлиб чиқди.

Жиноят кодексининг 209-моддаси, 1-қисми, 210-моддаси, 2-қисми "Г" бандлари билан айбдор деб топилди.

Қодир Мавлонов эса ана шу давлат марказининг олий маълумотли мутахассиси. У ҳам вилоят Хайвон касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказида бактериология, микробиология ва паразитология бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган. Муқаддам 2015 йилнинг 9 мартда жиноят ишлари бўйича Нурота туман суди томонидан Жиноят кодексининг 167-моддаси, 2-қисми "в, г" бандлари билан бўлган жиноят иши Олий Мажлис Сенатининг 2014 йил 14 ноябрдаги амнистия тўғрисидаги қарорининг 5-бандига кўра тугатилган. Инсонпарварликни ўзича менсимасдан яна эгри йўлда давом этган озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича мутахассисга Жиноят кодексининг 209-моддаси, 1-қисми, 210-моддаси, 2-қисми "Г" банди билан айблов эълон қилинган.

Судланувчи ота-бола Хайрулла ва Нодир Олимовлар, Ихтиёр Шодиев, Уктам Сувонов, Қодир Мавлоновлар олдиндан жиний тил бириктириб, Вази́рлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 январдаги 36-сонли қарори билан тасдиқланган "Гўшт ва гўшт маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент" талабларига зид равишда, вилоятнинг турли туманларида яшовчи аҳолидан бирорбир ҳужжатга эга бўлмаган, турли касалликлар сабабли ҳаром ўлган ёки мажбурий сўйилган, истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиги хавфсизлиги

талабларига умуман жавоб бермайдиган, йирик ва майда шохли молларнинг гўштини қимматга сотиш мақсадини кўзлаб, ҳар килограммининг 8-10 минг сўмдан сотиб олиб, "Navoiy Agro Meat" хусусий корхонаси раҳбари билан озгаки келишилган ижара шартномасига асосан ҳар ойлик 500.000 сўм, НКМК оватланиш базаси билан ўтган йилнинг январь ойида тузилган шартномага асосан ҳар ойлик 300.000 сўм тўлов эвазига мазкур истеъмолга яроқсиз гўшт маҳсулотларини хусусий корхонага тегишли "Спутник" кўрғонига жойлашган мизлаткич ва Навоий кон-металлургия комбинати оқватланиш базасига тегишли омборхонада сақлаб келишган.

Ҳамтовқлар бу қилмишлари билан қанча-қанча одамлар соғлигига зиён етказганини, қанча гуноҳга ботганини тасаввур қилиш қийин эмас. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши кураш Департаментининг вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир довомида вилоят санитария — эпидемиологик осойишталик марказининг Хайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги Давлат марказининг экспертиза хулосаларига кўра, бактериологик кўрсаткичлари меъърий талабларга жавоб бермайдиган, органолептик кўрсаткичлари кескин бузилган, ранги тўқ кезил, айрим бўлақлари қорайиб кетган, усти ёпишқоқ, хиди қўланта, истеъмол қилишга ва қўланта ишлашга яроқсиз бўлган 1015,2 кг. йирик ва майда шохли моллар гўштини фуқаро Э.Йулдошевга 12.396.000 сўм эвазига сотаётган вақтда ашёвий далиллар билан ушланди. Улардан жами 1727,1 килограмм истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиги хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган, истеъмол қилишга ва қўланта ишлашга яроқсиз бўлган гўшт маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

СОХТА ХУЛОСАЛАРНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Судланувчи ота-бола Хайрулла ва Нодир Олимовлар Ихтиёр Шодиев билан қишлоқма-қишлоқ юриб касалланиб ўлган молларнинг гўштини озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги учун қўйилган масъулиятсиз масъуллар вилоят Хайвон касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази директори Уктам Сувонов ҳамда шу марказ ходими Қодир Мавлоновларга ишониб, суяниб йиғиб келадиган бўлиши. Чунки улар озиқ-овқат хавфсизлиги марказидаги "суянган тоғ"лари "сузлари"ни икки қилмаслигини жуда яхши билишди. "Сиздан угина, биздан бугина", деганларидек яроқсиз гўштарни бир лаҳзада яроқлига, сифатсиз маҳсулотларни бир пасда сифатлига, касалланиб ҳаром ўлган молларнинг гўштарини эса суя ўтмасдан ҳалол маҳсулотга "айлантириб" берадиган "сеҳрлар"ларга худди ўзларига ишонгандек ишонилди. Масъулиятсиз масъуллар ўз "доля"сини олғач, ўлган молларда сальмонеллез касаллиги бўладими, бошқа касаллик бўладими, ҳаммасини рисоладагидек қилиб "туғрилаб" юборишлари аниқ...

Энг ёмони бу очкўзлар тўдаси вилоятнинг турли туманларида яшовчи аҳолидан бирорбир ҳужжатга эга бўлмаган турли касалликлар сабабли ҳаром ўлган ёки мажбурий сўйилган, истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиги хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган молларнинг гўштини сотиш билан анча вақт шугулланишган. Чунки судланувчи Нодир Олимов суд мажлисида берган қўрсатмасида улор тахминан икки йилдан буён яроқсиз, касалланган, ўлган мол гўштарини турли туманларда яшовчи нотаниш фуқаролардан арзонга сотиб олиб, қимматига сотиб келаятганлигини, у асосан отаси сотиб олган яроқсиз гўштарни омборга жойлаштириш ишлари билан шугулланиб келганлигини тан олган.

Иймон инсофини унутганлар бу "сифатли" маҳсулотларини, ҳатто вилоятдан ташқарига ҳам сотишган. Масалан, Фарғона водийсида ҳам қолбаса қилиш учун бу сифатсиз, яроқсиз гўшга харидорлар топилгани суд ҳужжатларида баён қилинган.

Истеъмолга яроқсиз маҳсулотни ҳар килограммининг 8-10 минг сўмдан олиб, 13-15 минг сўмдан сотишнинг ҳадисини олганлар ўз манфаатларини кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш, ҳужжатларни қалбақиллаштириш бўйича "тажрибали" масъуллар керак бўлса, аслида мавжуд бўлмаган тадбиркорларнинг номидан намуналарни текширишни ташкил қилишни ҳам яхши "йўлга" қўйган.

Масалан, ўзи йўқ тадбиркор


А.Каримов" номидан 1800 килограмм мол гўшти намуналарини текширишга юбориш ҳақидаги йўлланма хатни тузишиб, ушбу йўлланма хатни А.Каримовнинг номидан имзолашиб, жиний фаолиятларининг ошқор этилмаслигини таъминлаш мақсадида ушбу хатни бир кун олдинги сана билан марка бактериология бўлимининг "Бактериология текшириш ойнамаси" китобига қирим қилишиб, Республика Хайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказининг экспертиза хулосасига кўра, Навоийдан бериб юборилган гўшт намуналари таркибидан инсон саломатлиги учун зарарли бўлган, истеъмол қилинганида диарея ва заҳарланиш каби касалликларни келтириб чиқарувчи ичак таёқчаси бактерияси мавжуд бўлса-да, "А.Каримов"га тегишли 1800 килограмм мол гўштини қайта ишлашга юбориш мумкинлиги ҳақида хулоса тузишиб, мазкур бактериология хулосасини сохталаштириб, келгусида фойдаланиши учун фарғоналик фуқаро С.Халиповга тақдим қилишган.

Уз-ўздан аёнки қонунга қилоф эканлигини била туриб сохталаштирилган бактериология хулосасини тайёрлаб берган ҳоқимият вакили вазифаларини бажарадиган мансабдор шахс ҳисобланган масъулиятсиз масъуллар мўмай пулни бўлиб олиб, ҳеч нарса кўрмагандай юришда давом этаверган. Расмий ҳужжат ҳисобланган сохта хулосаларнинг ҳар гагли норасмий баҳоси бир миллион сўмдан иборат бўлган. Бир миллионга тақор-тақор сотилган эссиз виждон, иймон, инсоф мундарижаси ҳақида гапирмоқчи эмасмиз. Ҳатто, ҳаром лўқма еганнинг ҳам дуоли ўтмайдиган амални била туриб, қандай қилиб бундай ноинсофликни касб қилиб олиш мумкин, деган саволимиз эса жавобсиз.


Агар Департаментнинг Навоий вилоят бошқармаси томонидан ўтказилган тезкор тадбир бўлмаганида виждонини ютган тўда эгалари ҳали ҳамон бу халққа хиёнатларини давом эттиришган бўларди.

Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судида ўз юртига, ўз халқига, ўз виждонига, ўз иймонига хиёнат қилганларга нисбатан ҳукми ўқилди. Кимдир суд залидан қамоққа олинди, кимдир озодликдан чеклаш жазосини ўтайдиган бўлди. Инсонпарварлик ва адолат тамойиллари устун келиб, кимгадир оғирроқ, кимгадир енгилроқ жазо тайинланган бўлиши мумкин. Аммо гап жазонинг оғир ёки енгиллигида эмас, ҳамма гап суднинг қора курсисига утирган ҳаётларимизнинг юзига тушган қора доғ бутун умрига ва виждонига доғ бўлиб қолиши муқаррарлигида. Чунки бундай инсофсизларни кечирши қийин...

Ади АВЕЗОВ,
жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди судьяси,
Маруза ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири



КЎПЧИЛИГИМИЗ қонунлар ишлашига ишонамиз, аммо уни қандай “ишла-тиш”га келганда кўп ҳолда билим ва кўникмамиз оқсайди. Ахир, ҳуқуқни талаб қилиш учун ҳам билим керак. Бироқ бу жараёнга бирданига етиб келинмайди ёки ҳамма бир-данига ҳуқуқий маданиятли бўлиб қолмайди. Чунки билим ва кўникманинг ҳосил бўли-ши бир кунлик, бир соат ёки бир ойлик иш эмас. У йиллар давомида босқичма-босқич шаклланиб боради. Бунинг учун қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур.



ҚОНУНЛАРНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ ҳар кимнинг онгли танлови бўлсин

БОЛА БОШҚАРИЛУВЧИ РОБОТ ЭМАС

Кўникмалар ёшлиқдан ўз-лаштирилмаса кейин уларни эгал-лаш қийин. Кўпчилик назарида, болага ҳуқуқини таниш (танитиш) мураккаб. Шунинг учун ҳам бола билан ишлашда буйруқ-инкор оҳангига кўникиб қолинган: “уни қилма”, “бунга тегма”, “борма” каби. Афсуски, бундай хатти-ҳара-кат болада ички кўркувни яратлади. Кейинчалик оддий маслаҳатчи қабул қилишда ҳам бола фикрла-рини кўркүв тўсиб туради. Бироқ бола бошқарилувчи робот эмас. Унинг ҳам барча қатори қонун бил-лан белгилаб қўйилган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор. Болаларни улардан хабардор қилиб, ҳуқуқий маданиятли (бу қонун модда-ларини ёдлатиш эмас!) инсон сифатида вояга етказиш бизнинг бирламчи вазифларимиздандир. Зотан, ўз ҳақ-ҳуқуқини биладиган шахнинг талаби ҳам юқорироқ бўлади.

БУНГА ҚАНДАЙ ЭРИШИЛАДИ?

Бола билан ҳамма (ота-она, боғча, маҳалла) бирдек шугул-ланса, буткул ўз ҳолига ташлаб қўйилмаса, ҳар ким ўз зимма-сидаги мажбуриятни ҳис қилса, ҳамжихатликда амалга оширса, кучли ҲИМОЯ яралади. Чунки бола ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари

моҳиятини тўлиқ тушунмайди. Нима яхши, нима ёмонлигини фарқлашга ожизлик қилади. Бу борада унга бошланғич маъ-лумот ва тушунчаларни содда тилда аниқлаб бериш зарур. Бу жараённинг тўхтаб қолмас-лиги, мактаб-колледж давриям ёш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда давомли олиб борилиши аҳамиятлидир.

СОН ЭМАС, СИФАТГА ИШЛАШ МУҲИМ

Ҳуқуқий тарғиботда рақам-лар ранг-баранг. Йилига ўнлаб танлов-акциялар ўтказилади, юзлаб тадбир ташкил этилади, янги қабул қилинган қонун ҳуж-жатлари моҳиятини тушунтириш бўйича яна юзлаб манзилли тарғибот тадбирлари олиб бори-лади, уларда минглаб фуқаро-лар қамраб олинади ва ҳоказо. Бироқ рақамлар натижадорликни тўла-тўқис очиб беролмайди. Яъни, юзта тадбир ўтказилди, дегани ушбу юзта тадбирда иштирок этган барчанинг ҳуқуқий онига бирдек таъсир ўтказса олинди, дегани эмас. Демак, ҳуқуқий маданиятли жамиятни қарор топтиришда тадбирлар сонига эмас, унинг натижа-дорлигига эътибор қаратиш зарур. Қайси йўлдан борилса, ахборот аниқ ва чуқурроқ етиб боришни ҳисобга олган ҳолда тадбир шаклини ўйлаб кўриш муҳимдир. Биринчи навбатда,

тадбирнинг мавзу-мундарижаси-га қараб унинг амалга ошириш шаклини аниқ белгилаб олиш юқори самара беради. Ҳикояга тортадиган мавзудан роман чиқариб бўлмаганидек, репор-тажга арзийдиган “масаллиқ”ни ток-шоуга сарфламаслик керак. Шу маънода ҳуқуқий тарғиботни олиб боришда, аввало сон эмас, сифатга ишлаш, албатта, ўз сўзини айтади.

ИНСОН АМАЛДА ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИНГ ГУВОҲИ БЎЛСА...

Биринчи навбатда, давлат хизматчиларининг ҳуқуқий са-воддонлиги ва ҳуқуқий мадания-ти етарли даражада эмаслиги устидан ишлаш зарур. Энг катта тарғибот мана шу бўлади, асли-да. Чунки миллионлаб аҳолининг ўз ҳуқуқларини билиш-билмас-лиги ортидан қувшидан кўра, давлат органларида қонунийлик-ни таъминлаган афзалроқдир. Давлат органлари ва хизмат-чилари ўз вазифаларини тўғри бажарса, шунинг ўзи энг катта натижа. Биз минг марта ҳам қонунга итоткорликка чақириб турганимиз билан одамлар ўз кундалик ҳаётида бунинг аксини, бошқа манзараларни кўрса, бу ҳол-да қонунга ишонч сўнади. Токи ҳар бир инсон амалда қонунлар ижросининг гувоҳи бўлса, бун-дан катта тарғибот йўқ.

ТАРҒИБОТ ТЎХТАБ ҚОЛМА(Й)ДИ

Бу йил пандемия муносабати билан жиддий синовлар даври бўлди. Ўзгача турмуш тарзи юзага келди. Янги тартиблар, қонун-қондалар, бу жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳуқуқий тушунтиришлар бериш тизими яратилди. Масалан, фуқароларнинг ҳуқуқий маслаҳатга эҳтиёжини масофавий тарзда қондириш мақсади-да бир қатор телеграм ботлари (@huqiqiy_maslahatbot, @notarius, @daxvizmataloqa_bot) очилиб, масофадан туриб йўлланган саволларга ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар бериб бориш амалиёти жорий этилди. Биргина @huqiqiy_maslahatbot боти орқали шу кунга қадар фуқароларнинг 6 мингга яқин саволларига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Бундан ташқари, ҳудудий адлия органлари томонидан оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, ижтимоий тармоқларда жами 8695 марта чиқиш қилинди. Умуман, натижада коронавирус билан боғлиқ вазият таҳлилига назар ташлайдиган бўлсак, МДҲ давлатлари билан таққослаганда инфекцияга чалинганлик даражаси анча камлигини кузатиш мумкин. Ушбу натижалар олиб берилган тарғибот тадбирлари ва тушунтириш ишларининг, энг асосийси, фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданиятининг ўсганлигидан ҳам далолатдир.

ҚОНУНЛАРГА ИТОАТ — ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ ОНГЛИ ТАНЛОВИ


Умуман олганда, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оши-риш борасида қилиниши керак бўлган ишлар кўп. Бу ҳолатда биз учун энг муҳими нима? Авва-ло, бугун қаерга қараб ҳаракат қилиш ва истикболда нима иш

қилиш кераклиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш мана шу энг муҳими. Ҳуқуқий тарғи-ботни амалга ошириш ҳар бир давлат органи ва муассасаси учун муҳим аҳамият касб этиши лозим. Негаки, қонунларга итоткор жамият билангина тараққиётга эришиш мумкин. Зеро, қонунларни ҳурмат қилиш ва уларга итот этиш ҳар бир фуқаронинг (мансаби, мавқеи

ва ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар) онгли танлови бўлиши лозим. Ана шундагина қонунлар ишлайди, ана шунда-гина испохотлар самара беради, тараққиёт бўлади.

Шерзод РАБИЕВ,
 Адлия вазирлиги
 юридик таълим ва суд
 экспертизаси фаолиятини
 мувофиқлаштириш
 бошқармаси бошлиғи

ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚ — ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ



ТОШКЕНТ давлат юридик универси-тети “Экология ҳуқуқи” кафедраси профессори, юридик фанлар доктори Жу-маназар Холмўминов томонидан тайёр-ланган “Ўзбекистон Республикаси Пре-зиденти Шавкат Мирзиёевнинг эко-логик хавфсизликни таъминлаш, аграр ва энергетика соҳасини ривожлан-тиришга оид кон-цептуал ҳолатларни ўрганиш” номли ўқув-услубий қўллан-маси чоп этилди.

Муаллиф томонидан яратилган мазкур ўқув-услубий қўлланманинг хусусиятли томони шундаки, унда буюк мутафаккирларнинг табиат ҳақидаги фикрлари, йилларга берилган номлар, сўз боши, мавзулар бў-йича дарс олиб бориш методикаси ҳозирги кун талаби асосида ўз ифодасини топган.

Ўқув-услубий қўлланма 3 та бобдан иборат бўлиб, унинг охирида табиат ҳақидаги қизиқарли маълумот-лар ҳам берилганлиги ўқувчи ва китобхон учун ўта муҳим ҳисобланади.

Мазкур рисолада асосий манба сифатида Прези-дентимизнинг 2017 йил 28 апрелдаги “Тошкент давлат юридик университетидека кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини оши-риш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юри-дик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бў-йича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мазкур соҳаларни ривожлантиришдаги асосий манба сифатида тўлиқ берилганлиги бу соҳадаги ҳуқуқий асоснинг нақадар муҳимлигидан далолат беради.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма бобларининг ҳар би-рида Президентимизнинг экологик хавфсизликни таъ-минлаш, аграр ва энергетика соҳасини ривожланти-ришга оид сўзлаган нутқларидаги ҳамда қабул қилган Фармон ва қарорларидаги концептуал ғоя ва фикрлар аниқ манбалар асосида кўрсатилади, тест материал-лари, муаммоли вазиятга оид саволлар ва ғоялар асосида тузилган қазуслар ўз ифодасини топган.

Бу ўқув-услубий қўлланма талаба ва магистрлар, профессор-ўқитувчилар, мустақил илмий тадқиқот-чилар, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ер ресурслари, геодезия ва энергетика соҳасидаги ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, тадбиркор, фермер хўжалиги раҳбарлари ва аъзола-рига ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжаллан-ганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Ҳуллас, юридик фанлар доктори, профессор Ж.Холмўминов томонидан тайёрланган “Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг эко-логик хавфсизликни таъминлаш, аграр ва энергетика соҳасини ривожлантиришга оид концептуал ғоялари-ни ўрганиш” номли ўқув-услубий қўлланмаси олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг барча талаба ва магистрлари, айниқса, ҳуқуқшунослар учун, про-фессор-ўқитувчилар, ушбу мавзуга қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланганлиги ва уни кенгроқ ўрганиш ҳамда ёшлар ўртасида тарғиб қилиш ўта муҳимлигини таъкидлашни истардик.

Омон ОҚУЛОВ,
 Тошкент давлат юридик университети “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори

ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ НОҚОНУНИЙ БЎШАТИЛГАН

ҚОРАКЎЛ туманида истиқомат қилувчи фуқаро Тўлқин Рахимов туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, муқаддам Қоракўл туманидаги 17-сон умумий ўрта таълим мактабида ёшлар етакчиси лавозимида ишлаганлигини, бироқ 2020 йил 6 март куни вилоят ишчи гуруҳи раҳбари —Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари М.Баратова ва ҳудудий танлов комиссияси котиби Ш.Нарзуллаевларнинг оғоҳлантириш хати асосида у билан тузилган меҳнат шартномаси ноқонуний тарзда бекор қилинганлигини маълум қилган.

Адлия ходимлари томонидан мазкур мурожаат ўрганиб чиқилиб, аниқланишча, мурожаат муаллифи билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруққа асос сифатида кўрсатилган оғоҳлантиришда ходим билан меҳнат шартномаси қайси ҳуқуқий ҳужжатга асосан бекор қилиниши кўрсатилмаган, ходимга нисбатан ҳеч қандай интизомий жазо чоралари қўлланилмаган, ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган бўлса-да, касабга уюшмасининг розилиги олинмаган, иш берувчи томонидан ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида оғоҳлантириш берилмаган, ходимдан тушунтириш хати олинмаган ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилиш буйруғи билан ходим таништирилмаган.

Шунга кўра, туман адлия бўлими томонидан мурожаат муаллифи манфаатини кўзлаб, 17-сонли умумий ўрта таълим мактаби директорининг буйруғини ғайриқонуний деб топиб, фуқаро Т.Рахимовни ўз лавозимига тиклаш ва етказилган зарарни қоплаш ҳамда прогул вақти учун ҳақ тўлаш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Қоракўл туманлараро судига даъво ариза киритилди.

Суднинг ҳал қилув қарорига асосан даъво қаноатлантирилиб, мактаб директорининг буйруғи бекор қилинди ва мурожаат муаллифи ёшлар етакчиси лавозимига тикланиб, мажбурий прогул қуллари учун жами 5 267 286 сўм ундирилиши белгиланди.

Воҳид ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Қоракўл туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

ХОДИМЛАРНИНГ ОЙЛИГИ НЕГА КЕЧИКДИ?



КАРМАНА туман ободонлаштириш бошқармаси ходимлари томонидан қилинган мурожаатда тайкилотда жамоатчилик асосида фаолият юритаётган 234 нафар ходимга иш ҳақи тўлаб берилмаётгани маълум қилинган.

Пандемия даврида вазият оғир бўлишига қарамайдан кўчада ишлаётган, атроф тозалигини таъминлаб турган ишчи-хизматчиларга арзимаган ойлик-маошнинг ҳам кечиктирилаётганлиги, албатта, ҳақли эътирозларга сабаб бўлган.

Мурожаат ўрганилганда, ободонлаштириш бошқармасининг жамоатчилик асосида фаолият юритаётган 234 нафар ходимга 2020 йилнинг июнь ойи ойлик иш ҳақи тўлаб берилмаганлиги тасдиқланди. Маълумки, ободонлаштириш бошқармалари Меҳнат ва бандлик муносабатлари вазирлиги ҳузурида тузилган жамғармадан молиялаштирилади. Ташкилот томонидан ходимларга иш ҳақи берилмаётгани ҳам айнан молиялаштириш жараёнининг кечиктирилаётгани билан боғлиқлиги айтилди.

Меҳнат кодексининг 161-моддасида жамоа шартномасида иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечиканлиги учун жавобгарлик назарда тутилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунга кўра, туман ободонлаштириш бошқармасига 234 нафар ишчи-ходимнинг 155 миллион сўмдан ортқ ойлик иш ҳақини ундириш юзасидан тақдимнома киритилиб, ходимларнинг ойлик маошлари тўланишига эришилди.

Пўлат ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Кармана туман адлия бўлими бошлиғи

КОМИЛОВНИНГ ПЕНСИЯСИНИ ТЎХТАТГАНЛАР ЗАРАРНИ ТЎЛАБ БЕРДИ



ФУҚАРО С.Комилов Каттакўрғон шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилиб, бузилган ҳуқуқларини тиклаб берилишида амалий ёрдам сўраган.

Мурожаатни ўрганишда “Каттакўрғон пахта тозалаш” АЖ бош директори Ж.Гаппаров томонидан 2020 йил 27 январда имзоланган хат мавжудлиги ва унда С.Комилов мазкур акциядорлик жамияти ва Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Каттакўрғон шаҳар бўлимидан пенсия олаётганлиги, иккинчи марта тўланиб келинаётган пенсия пули 2020 йил 1 январдан бошлаб тўхтатилиб, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳисоб рақамига “Каттакўрғон пахта тозалаш” АЖ ҳисобидан ўтказилган сумма ҳисобидан пенсия пулини олиши мумкинлиги тушунтирилганлиги аниқланди.

Мурожаат юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Каттакўрғон туманлараро судига “Каттакўрғон пахта тозалаш” АЖ зиммасига 2020 йил 1 январдан бошлаб қонунчиликда белгиланган миқдордаги меҳнатда оғир тан жароҳати олганлик оқибатида етказилган зарар пулини ҳисоблаш мажбуриятини юклаб, жавобгарлардан С.Комилов фойдасига тўланмаган зарарни ундириш тўғрисида даъво аризаси киритилди ва муаммо ижобий ҳал этилиб, фуқаро фойдасига тўланмаган 4.889.485 сўм зарарни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилди.

Аббос ТИЛАВОВ,
Каттакўрғон шаҳар адлия бўлими бош маслаҳатчиси

ЎЗ “ҚОНУНИ”ГА ЭГА 8 ТА ТАШКИЛОТ “ТЎР”ГА ТУШДИ



МЕҲНАТ кодексининг 161-моддасида меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас, деб белгилаб қўйилган.

Юнусобод туманида жойлашган давлат ташкилотлари томонидан Меҳнат кодекси 161-моддасининг талабларига риоя этилиши ҳолати мониторинг қилинганда туман Ҳазначилик бўлими билан ҳамкорлик ва тумандаги бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчи бир қатор ташкилотлар томонидан

меҳнат қонунчилигига оид қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Хусусан, Ҳазначилик бўлимининг 2020 йил 25 мартдаги хатига кўра, туманда жойлашган 8 та ташкилот масъуллари томонидан ходимларига 2020 йил январь ойидан март ойига қадар Меҳнат кодексининг 161-моддасида меҳнатга

ҳақ тўлаш муддатлари ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган бўлса-да, бироқ Меҳнат кодексининг ушбу моддаси талабларига зид равишда Ҳазначилик бўлимига ҳар ойда бир марта иш ҳақи сўровномаларини тақдим этиб, ташкилот ходимларига ҳар ойда бир мартадан ойлик иш ҳақи тўлаб келган.

Қоғозда бошқа, амалда бошқа иш юритувчи ташкилотларга Дийдор режиссёрлик ва актёрлик маҳорати театр-студияси, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Зоология илмий текшириш институти, Санъатшунослик институти, ТАТУ ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази, ТИҚХММИ ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малака-

сини ошириш тармоқ маркази, Тошкент Ботаника боғи, Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Юнусобод туман адлия бўлими томонидан мазкур ҳолат юзасидан ушбу ташкилотларга нисбатан аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилиши натижасида мазкур қонунбузилиш ҳолатларига барҳам берилди.

Меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликлари учун мазкур ташкилот масъуллари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Жўрабек МАХСУДОВ,
Юнусобод туман адлия бўлими бошлиғи

ҚИСҚАРТИРИШГА ТУШГАН ХОДИМ НИМАНДАН НОРОЗИ?

ШАЙХОНТОҲУР туманида истиқомат қилувчи фуқаро Қ.Набиева туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, ўзи ишлаган Санитария-эпидемиологик осойишталик марказида қисқартиришга тушганлиги ва шу муносабат билан унга компенсация ва ишдан бўшаш нафақаси тўлаб берилмаганлигидан норози бўлиб мурожаат қилган.

Мазкур мурожаат адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилганда, Санитария-эпидемиологик осойишталик марказида ишлаган яна 37 нафар фуқарога компенсация пуллари тўланмаганлиги аниқланди.

Туман адлия бўлими томонидан аниқланган мазкур қонунбузилиш ҳолати юзасидан Санитария-эпидемиологик осойишталик марказига тақдимнома киритилиб, 38 нафар ходимга меҳнат қонунчилигига белгиланган тартибда 108.118.895 сўм миқдорда икки ойлик компенсация ва ишдан бўшаш нафақаси тўлаб берилиши таъминланди.

М.ЯКУБОВ,
Шайхонтоҳур туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси



КАРАНТИН ШАРОИТИДА ДХМлар қандай ишляпти?

ДАВЛАТ хизматлари Агентлиги ташкил этилганига 3 йил тўлмоқда.

Шу кунгача давлат хизматлари марказлари орқали 130 дан ортиқ хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Агентлик томонидан 2020 йилнинг охирига қадар хизматлар сонини 160 тага етказиш режалаштирилган.

Фуқароларимизга янада қулайлик яратиш мақсадида эса 2019 йилнинг 1 апрель санасидан бошлаб барча хизматлар экстерриториал тамойил бўйича, яъни исталган ҳудуддаги давлат хизматлари марказларига мурожаат қилиб хизматлардан фойдаланиш тизими йўлга қўйилди.

Мисол учун, Тошкент шаҳрида фаолият юритишни мақсад қилган тадбиркор Самарқанд вилоятидаги марказлардан туриб ҳам рўйхатдан ўтиши мумкин. Нафақат, рўйхатдан ўтиш соҳасида, балки давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган аксарият хизматлардан доимий яшаш жойидан ҳамда рўйхатдан ўтган ҳудуддан қатъи назар жисмоний ва юридик шахслар исталган ҳудуддаги давлат хизматлари марказлари орқали фойдаланишлари мумкин.

Маълумот учун: *давлат хизматларини олишнинг экстерриториал тамойили — бу фуқаролар доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан ва юридик шахслар почта манзилдан (жойлашган ердан) қатъи назар, исталган ҳудуддаги давлат хизматлари марказларига мурожаат қилиш имконияти ҳисобланади.*

Хабарингиз бор, карантин даврида ҳам Давлат хизматлари Агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси, туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари, қолаверса, ФХДЭ органлари доимий равишда фаолият юритди.

Давлат хизматлари марказлари томонидан фуқароларимиз ҳамда тадбиркорлик субъектларига бевосита ҳамда онлайн тартибда давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, ҳудди шунингдек, ФХДЭ органлари ходимлари томонидан аҳолига хизмат кўрсатилиши бевосита ҳамда сайёр тартибда давом эттирилди.

Карантин даврида фуқароларимизнинг марказларга ташриф буюрмасдан барча давлат хизматларини электрон тарзда, яъни my.gov.uz портали орқали олиш имконияти тўғрисида ижтимоий тармоқлар ҳамда ОАВлар орқали мунтазам равишда эълонлар ва маълумотлар бериб борилди.

Шу ўринда муҳим бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиб ўтмоқчимиз. Фуқароларимиз нафақат, карантин даврида, балки my.gov.uz порталида исталган пайтда ўзларига керакли бўлган хизматларга оид масалани давлат хиз-

матлари марказларига шахсан келмасдан ЯИДХП орқали, яъни қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган имтиёздан фойдаланиб, ҳал этиши мумкин.

Бу билан фуқаронинг қимматли вақти тежаллади, белги-ланган йиғимни ЯИДХП орқали мурожаатга нисбатан қўлланиладиган имтиёз асосида камроқ тўлаш имкониятига эга. Муҳими, бунинг учун уйдан чиқиш шарт эмас. Айниқса, бугунги пандемия шароитда, бундай хизмат жуда ҳам муҳим ҳисобланади.

Стикерлар ДХМлар орқали берилди

Республика махсус комиссиясининг қарорига кўра, карантин даврида автотранспорт воситалари давлат хизматлари марказлари томонидан бериладиган махсус рухсатнома (стикер)лар асосида ҳаракатланиши белгиланди. Шунингдек, фуқаролар томонидан 2020 йилнинг 31 мартдан бошлаб марказларга мурожаатлар онлайн тарзда йўлланishi белгилаб қўйилди. Бу борада Самарқанд шаҳар Давлат хизматлари марказида 24 соат узлуқсиз ҳамда дам олиш кунларисиз ишлар йўлга қўйилиб, фуқаролар томонидан онлайн тарзда йўлланган мурожаатлар қабул қилинди.

Республика махсус комиссиясининг 2020 йил 8 апрелдаги қарорига асосан 9 апрелдан бошлаб автотранспорт воситалари ҳаракатланишига давлат хизматлари марказлари томонидан махсус рухсатнома бериш тўхтатилди.

Маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, Самарқанд шаҳар Давлат хизматлари марказида 8 апрелга қадар фуқаролар томонидан онлайн тарзда юборилган аризалар сони 14249 тани ташкил этди. Шундан кўриб чиқилган аризалар сони 13385 та бўлиб, 929 та ҳолатда мурожаатлар қаноатлантирилди. 12456 та ҳолатда эса аризалар рад этилган.

Тадбиркорлар ва иктисодиёт тармоқларига қўшимча енгилликлар берилди

Президентимиз томонидан “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон имзоланди.

Ҳужжатга мувофиқ, Туризм соҳасидаги тадбиркорлар ер-мулк солиқларидан озод этилди, ЯТТларга даромад солиғи ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш

тўхтатилди, 2 триллион сўмлик кредит мажбурияти муддати узайтирилди. Бундан ташқари, карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мулкidan фойдаланганлик учун ижара тўловларини ҳисоблаш ва ундириш тўхтатилиши белгиланди.

Давлат хизматлари марказлари томонидан ҳам карантин даврида тадбиркорлик субъектларига даромад солиғи ва ижтимоий солиқни ҳисоблашни тўхтатилиши юзасидан солиқ инспекцияларига хабарномалар юборилди.

Пандемия шароитида давлат хизматлари марказлари томонидан 3832 та янги тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтказилди. Уларнинг 2755 таси яқка тартибдаги тадбиркор ва 1077 таси юридик шахсдир. Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан карантин талабларини юмшатиш бўйича қўрилиши лозим бўлган дастлабки чора-тадбирлар эълон қилинганидан ҳамда вилоят ҳокимининг карантин сабабли тўхтаб қолган ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан қилган видеомурожаатидан сўнг фаолиятини вақтинча тўхтатган 13775 та тадбиркорлик субъектидан 12392 таси фаолиятини тиклаш бўйича мурожаат қилди. Уларга белгиланган тартиблар доирасида тадбиркорлик гувоҳномалари расмийлаштирилиб берилди.

Мурожаатларнинг асосий қисмини судланмаганлик, номида уи-жой мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотномалар олиш, кадастр, тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ва қайта рўйхатдан ўтказиш сингари хизматлар ташкил этмоқда.

Давлат хизматлари кўрсатилишида ваколатли органлар томонидан камчиликларга йўл қўйилди

Бошқарманинг Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилиши устидан назорат қилиш бўлими ўтказган мониторинглар натижасига кўра, ваколатли идоралар томонидан 3126 та қонунбузилиш ҳолати содир этилганлиги аниқланди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича ушбу идораларга 45 та маълумотнома, 372 та огоҳномалар киритилди ҳамда 316 нафар айбдор шахсга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди.

Киритилган таъсир чоралари натижасида ваколатли органларнинг 42 нафар ходимларига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди ҳамда 316 нафар айбдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

“Сирли мижоз” тадбири орқали 10 нафар ходимга “ҳайфсан” берилди, 3 нафар ходим ишдан бўшатилди

Давлат хизматлари марказларида кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, фаолиятини мониторинг қилиш, ходимлар малакасини баҳолаш ҳам алоҳида назорат остига олинган.

“Сирли мижоз” усулидаги жамоатчилик мониторинги тизимдаги камчиликларни аниқлашда энг самарали бўлиб, Давлат хизматлари Агентлигида кенг қўлланилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН, “сирли мижоз”лар — бу давлат хизматларининг оддий “фойдаланувчиси” сифатида ташриф буюриб, уларнинг тақдим этилиши ҳақида маълумот йиғувчи ва сифатини баҳоловчи шахслар.

Бошқарма томонидан 2020 йил 1 июнь ҳолатига ДХМ ва ФХДЭ бўлимларида жами 23 мартаба “сирли мижоз” ва “рейд” тадбири ўтказилди.

Натижада, 76 нафар ходим огоҳлантирилди. 10 нафар ходимга “ҳайфсан”, 1 нафар ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоиз миқдоридан жазима интизомий жазоси қўлланилди ҳамда 3 нафар марказ ходими билан меҳнат шартномаси бекор қилинди.

“Сирли мижоз”лар томонидан ўрганилган маълумотлар давлат хизматлари марказлари фаолиятида мавжуд бўлган камчиликлар ва тўсиқларни аниқлашга, уларнинг чуқур таҳлили эса муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган зарур тавсияларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Ўз навбатида, меҳнат фаолиятида, яъни мижозлар билан ишлашда муомала маданияти юксак, шижоаткор ва ташаббускорлиги ҳамда меҳнатсеварлиги билан ўзини кўрсатган марказ ходимлари рағбатлантириб берилмоқда.

Яна бир янгилик, эндиликда давлат хизматлари марказлари ва ФХДЭ органларида “Сирли мижоз” тадбирлари ушбу хизматни кўрсатувчи консалтинг ташкилоти ёрдамида амалга оширилади. Бу эса, тизим фаолиятида янада шаффофлик ва адолатни таъминлашга хизмат қилади.

ДХМларда хизматлар сони ошмоқда

Марказлар орқали давлат хизматларини қабул қилишга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда Давлат хизматлари Агентлиги томонидан жорий йил якунига қадар яна 30 дан ортиқ давлат хизматларини кўрсатиш режалаштирилмоқда.

Хусусан, 2020 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Фуқароларга Рухий касалликлар бўйича диспансер ҳамда Наркология диспансери ҳисобида туриши

ёки турмаслиги тўғрисидаги маълумотнома фақат давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали тақдим этилмоқда.

2020 йил 1 апрелдан ФХДЭ органлари ДХА тасарруфига ўтказилди

Бугунги кунда вилоятимиз бўйича 1 та Никоҳ уйи, 22 та ФХДЭ бўлими ҳамда Самарқанд вилоят ФХДЭ Архиви фаолият кўрсатиб келмоқда. Утган давр мобайнида ФХДЭ бўлимлари томонидан 1 апрелдан 1 июнь ойига қадар 14800 та туғилганлик ҳақида далолатнома ёзувлари расмийлаштирилган бўлса, 2414 та ҳолатда ўлим далолатнома ёзувлари қайд этилган. Шунингдек, 2 ой давомида 541 та никоҳ ҳамда 83 та никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувлари расмийлаштирилган.

Карантин даврида ФХДЭ бўлимлари ходимлари томонидан сайёр тартибда туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳномалар топирилди. Хусусан, 14 та ҳолатда туман (шаҳар) туғуруқ хоналарида фарзандини дунёга келтирган оналарга ҳамда 11 та ҳолатда ёши улуг нуроний ота-хон ва онахонларга туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар сайёр тартибда топирилди.

Пастдарғом туман 1-сон ФХДЭ бўлими ходимлари тумanning “Хончорбоғ” МФЙ “Элбек” маҳалласида истиқомат қилувчи 113 ёшли кекса онахон Улбош Оқмирзаевнинг хонадонига ташриф буюриб онахонга туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома беришди.

Шунингдек, Самарқанд вилоят Перинатал марказида 3 нафар эгизак фарзандларни дунёга келтирган Ургут туман “Қуйиқиллоқ” маҳалласида истиқомат қилувчи Сарвиноз Маҳмадимованинг фарзандларига ҳам Ургут туман 1-сон ФХДЭ бўлими инспектори томонидан туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома топирилди.

Марказлар орқали кўрсатилаётган хизматлар турларининг ортиси марказларга одамлар оқими кўпайишига олиб келмоқда. Бу эса марказга ташриф буюрувчилар томонидан айрим эътирозларга ҳам сабаб бўлаётганлиги ҳақиқат. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, янги, замонавий, инновацион, ташриф буюрувчилар учун барча қулайликларни ўзида мужассам этган билимлари барпо этиш бугунги кун талаби бўлиб қолмоқда.


Ҳозирги вақтга қадар вилоятимизнинг Пахтачи, Нуробод, Қўшработ, Самарқанд, Иштихон, Каттакўрган тумани ҳамда Каттакўрган шаҳарларида замон талабларига мос, барча қулайликларга эга давлат хизматлари марказлари бинолари қуриб, фойдаланишга топширилди. Ушбу масканлар энг сўнгги русумдаги техник воситалар билан таъминланган.

Йил охирига қадар қолган 7 та марказ биноларини ҳам аҳоли хизматига топширишга ҳаракат қилинмоқда.

Мақсадимиз халқимизга давлат хизматлари кўрсатилишида сифат ва тезкорликни ошириш, фуқароларимизга қулай шароитлар яратиш ҳамда шаффофликни таъминлашдан иборат.

Мақсуд ҚУРБОНОВ,
Давлат хизматлари
Агентлиги Самарқанд вилоят
бошқармаси бошлиғи

КОРРУПЦИЯНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШДА ҲАММАГА “ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ” ЗАРУР!



СИР эмас, халқимиз томонидан азалдан қораланган порахўрлик, таъмағирлик каби коррупцияга хос салбий иллатлар давлат органлари, ташкилотлари ва муассасаларида фаолият олиб бораётган баъзи шахсларда учраб турибди. Маълумки, коррупция ҳар қандай жамият ривожланиши учун тўсиқ бўладиган ижтимоий хавфдир. “Коррупция” лотинча сўз бўлиб, лугавий жиҳатдан “порага сотилиш”, “айниш” ва “таназзул” каби маъноларни англатади.

Ҳар қандай коррупциявий қонунбузарлик янги бир қонунбузарлик содир бўлишига туртки бўлади. Шунинг учун ҳам 2003 йил 31 октябрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Коррупцияга қарши БМТ Конвенцияси қабул қилинган эди. Мазкур Конвенциянинг қабул қилиниши бутунжаҳон ҳамжамиятининг коррупция иллатига қарши қаратилган муносабатининг ёрқин ифодасидир. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда коррупциянинг олдини олишга

қаратилган чора-тадбирлар, жиноятчиликка қарши кураш ва халқроқ ҳамкорлик ҳамда ахборот алмашиш, техник ёрдам кўрсатиш ва коррупциявий йўл билан топилган моддий бойликларни қайтариш масалаларига оид қондалар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон 2008 йилда мазкур Конвенцияга, шунингдек, 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасига қўшилган. Мамлакатимизда 2017 йил 3 январда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Шунингдек, юртимизда коррупцияга қарши кураш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 27 майда “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони имзоланган. Мазкур Фармонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат

сиёсатининг ўрта муқаддаслиги истиқболдаги устувор йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

Республикаимизда сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашишнинг анча самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмлари шакллантирилди. Хусусан, коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия ташкил қилинди, Олий Мажлис палаталарида Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича кўмиталар ташкил этилди. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия тузилди. 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури тасдиқланди.

Президентимиз 2020 йил 25 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида коррупцияга қарши курашишни самарали ташкил этиш масаласига алоҳида тўхталиб, шундай деган эди:

“Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қат-

ламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вақциnasi” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”.

Юқорида келтирилган ўтилган фикр-мулоҳазалардан аёнки, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида учрайдиган барча салбий иллатларга, жумладан, коррупция иллатига қарши курашнинг самарали механизмини ярато олсакгина, демократик-ҳуқуқий давлатнинг барпо этишда катта муваффақиятларга эришишимиз мумкин.

Фарҳод ХАЙИТБОЕВ,
 Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва маърифат бўлими бошлиғи

ДҲА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ

ДАВЛАТ хизматлари Агентлиги Тошкент вилояти бошқармасининг туман ва шаҳарлардаги 22 та марказ томонидан жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилган давлат хизматлари сони 335 719 тани ташкил қилди. Шундан 2 ярим мингдан ортиғи чекка ва олис ҳудудларга борган ҳолда, имконияти чекланган, ёлғиз ва кекса фуқароларга сайёр тартибда кўрсатилди.

Онлайн хизматидан фойдаланиш кўпайди

Агар статистикага эътибор берадиган бўлсак, улар ичида энг кўпи жисмоний шахсларга, яъни электрон рақамли имзо сертификатини бериш — 39 417 та, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш — 37 мингдан ортиқ, солиқ тўловчининг идентификацион рақами аниқлаш, олиш ва ўзгартириш — 21 280 тани кўрсатган. Шунингдек, фуқароларнинг руҳий ва наркологик касалликлари бўйича ҳисобда туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотномалар бериш хизматлари 21 410 та, кадастр паспортини шакллантириш — 12 709 та, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш эса 10 194 тани ташкил этмоқда.

Бугунги кунда мутахассислар томонидан аҳоли ўртасида давлат хизматларидан фойдаланишда анъанавий усуллар ўрнига, хизматларни марказларига келмасдан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон тарзда фойдаланиш бўйича тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бу, айниқса, бугунги карантин вақтида жуда қўл келади. Узи ва яқинларининг саломатлигини хатарга қўймайди. Қолаверса, мазкур портал орқали мурожаат қилган шахсларга марказга бориб тўланадиган тўловга нисбатан камроқ тўлаш имконияти, яъни имтиёз бериш орқали қўлайликлар яратилганлиги, бундай қўлайликлардан самарали фойдаланганда фуқароларимизнинг вақти ҳам маблағи ҳам тежаллиши ташуунтирилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, бугун аҳоли кўпроқ онлайн хизматлардан фойдаланмоқда. Масалан, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 12 406 та мурожаат Ягона интерактив давлат хизматлари портали му.gov.uz электрон тизими орқали давлат ташкилотларига юборилган бўлса, 2020 йилга келиб бу рақам сезиларли даражада ошди. Жорий йилнинг биринчи ярим йилида 30 535 та ариза ЯИДХП орқали юборилган.

**Давлат хизматлари Агентлиги
 Тошкент вилоят бошқармаси Жамоатчилик
 ва ОАВ билан алоқалар бўлими**

КЕЙИНГИ йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг мурожаатларига ўз вақтида жавоб бериш, уларда кўтарилган масалаларни ҳал қилиш бўйича ўзига хос тизим шакллантирилмоқда.

ОДАМЛАР МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛАДИ

ҳеч бир мурожаат безътибор қолмайди

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси томонидан аҳолининг мурожаатлар билан ишлаш тизими яхши йўлга қўйилган бўлиб, уларни қийнаётган муаммолар ижобий ҳал этилмоқда. 2020 йилнинг 1 июль ҳолатида жами 857 та мурожаатнинг 356 таси Президент виртуал қабулхонасидан, 501 таси бевосита жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган.

Бекобод тумани, Хонобод маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро И.Турдиев жорий йилнинг март ойида газ ҳисоблагичини қиёсловдан ўтказиш учун ечиб олиш ҳақида берган аризасини кўриб чиқишда амалий ёрдам беришни сўраб, Ўзбекистон Республикаси Президентига “Ишонч телефони” орқали мурожаат қилган. Ўрганиш давомида ушбу фуқаронинг ҳисоблагичларни қиёсловдан ўтказиш учун амалга оширган тўлови, тизимда кўрилмаганлиги аниқланган. Шундан сўнг унинг аризаси қаноатлантирилиб, ҳисоблагич ечиб олинган.

Бўстонлиқ тумани, Уйенкулсай маҳалла фуқаролар йиғини, Зиёликлар кўчаси, 81-уйда яшовчи А.Қутбиддиновнинг 2020 йил 8 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Президентига “Ишонч телефони” орқали қилган мурожаати ҳам ҳал этилди. Унда кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказишда тўлов амалга оширилганлиги, аммо шу кунгача туман ҳокимининг қарори чиқмаганлиги сабабли ушбу масалада амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган. Ўрганиш давомида ўзбошимчилик билан қурилган тураржой ва ер участкасига эгалик ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисида Бўстонлиқ туман ҳокимининг 2020 йил 1 февралдаги 234-сонли қарори қабул қилинганлиги мурожаатчиға маълум қилинди.

Яна шундай мазмунда Қуйи Чирчиқ тумани “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини, Оғалик кўчаси, 74-уйда истиқомат қилувчи фуқаро М.Ҳамидовадан ҳам тураржой ва ер участкасига эгалик ҳуқуқини расмийлаштиришда амалий ёрдам беришни сўраб, Ўзбекистон Республикаси Президентига “Ишонч телефони” орқали

мурожаат қилган. Мазкур мурожаатни ўрганиш давомида ўзбошимчилик билан қурилган тураржой ва ер участкасига эгалик ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисида Урта Чирчиқ туман ҳокимининг 2020 йил 10 февралдаги 69-сонли қарори қабул қилинганлиги мурожаатчиға маълум қилинди.

Таъкидлаш жоиз, бошқармада фуқаролар томонидан келиб тушаётган мурожаатларни доимий таҳлил қилиш ҳамда уларни белгиланган муқаддатларда ижро этилишини назорат қилиш механизми шакллантирилган. Масалан, ўтган 6 ой давомида келиб тушган, тизимли, долзарб муаммолар таҳлил қилинганда, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) ва бошқа ижтимоий хизматлар масаласида энг кўп мурожаатлар келиб тушганлиги маълум бўлди.

Умурақали БЕРДИЕВ,
 Давлат хизматлари
 Агентлиги Тошкент
 вилоят бошқармаси бош
 маслаҳатчиси



Омонулла МУХАММАДЖОНОВ,
Тошкент давлат
юримкони университети
профессори

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2019 йил 1 январь ҳолатига республикаимизда 709 844 нафар жисмоний имконияти чекланган инсонлар мажмулиси қайд этилган. Уларнинг кундалик ҳаётидаги турли хил муаммоларнинг мажмулиги, пировардида етарли билим, малакавий тайёргарликнинг йўқлиги оила ва жамиятдаги муаммолар ва низоларга олиб келиши табиий.

ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАНЛАРГА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР БERAДИГАН ҲУЖЖАТ

2009 йил февраль ойида Ўзбекистоннинг БМТ «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияга қўшилиши билан халқаро ҳуқуқ нормалари миллий ҳуқуқ тизимига босқичма-босқич кира бошлади. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ушбу ҳужжатни ратификация қилиш йўлида бўлиб, ушбу жараёнга фаол тайёргарлик кўришмоқда. Ногиронларнинг ҳуқуқлари «Таълим тўғрисида», «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Фуқароларнинг давлат томонидан пенсия таъминоти тўғрисида», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги каби қатор қонун ҳужжатлари ва Меҳнат кодексига мустаҳкамланган.

Ўзбекистонда ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари таҳлилий қонунчилик амалиётида икки хил тенденция мавжуд, деган хулосага келишимизга имкон беради. Бир томондан, давлат ногиронларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта эътибор беради (қонунлар ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинган), иккинчи томондан, ногиронлини асосан тиббий тушуниш устулик қилиб келаётганлиги ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётида тўлақонли, фаол иштирок этишига имкон бермайди. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ногиронларнинг эҳтиёжлари ва ҳуқуқлари тўғрисида аҳолининг хабардорлигининг паст даражаси билан ҳам тавсифланади.

Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда давлат уларни камситишнинг барча кўринишларидан ҳимоя қилиш чораларини қўриши белгиланган. Аммо ҳужжатда дискриминация тушунчаси белгиланмаган. Унинг йўқлиги туфайли, Ўзбекистонда ногиронлар учун ҳимоя сезиларли даражада чекланган.

Бугунги кунда пойтахтимиз ва мамлакатимиз ҳудудларидаги қўлгина ижтимоий инфратузилма объектлари ногиронлар учун белгиланган мейёр ва қоидаларга жавоб бермапти: етарли даражада пандуслар, лифтлар йўқ, юрши йўқлари ва эшиклар қўлчиқатор. Ваҳоланки, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида қайд қилинганидек, ногиронларнинг кириши ва фойдаланиши учун мослаштирилмаган ҳолда аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қўришга, турар жой даҳазаларини барпо этишга, янги қўрилиш учун лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишга, бинолар, иншоотлар ва уларнинг комплексларини реконструкция қилишга, шунингдек транспорт воситаларини, умумий фойдаланишдаги алоқа воситаларини ва ахборот воситаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга йўл қўйилмайд.

Ҳатто, ушбу талабни бажармаганлик учун қонун ҳужжатларида маъмурий жавобгарлик қўзда тутилган. Бироқ бу борадаги қўллаш шарҳлари ҳали ҳам бажарилмайд. Масалан, объектларда пандуслар бўлса ҳам, улардан фойдаланиш баъзан ноқулайликларни юзага келтиради.

Автотранспорт воситаларидан фойдаланишда ҳам муаммолар мавжуд. Юқоридаги Қонуннинг 10-моддаси, 2-қисмига мувофиқ станциялар, аэропортлар ва бошқа иншоотлар ногиронларга ўз хизматларидан бемалол фойдаланишга имкон берадиган

махсус қурilmалар билан жиҳозланган бўлиши керак. Бироқ «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Қонун йўловчилар учун автостанциялар, автостанциялар ва бошқа қонун ҳужжатлари ногиронларнинг эҳтиёжларини аниқ акс эттирмаган.

Ижтимоий инфратузилма ва транспорт объектларининг мавжудлиги масаласида етакчи хорижий давлатлар таърибаси диққатга сазовор. Масалан, Германияда барча ижтимоий ва транспорт инфратузилмаси ногиронларнинг эҳтиёжларига мослаштирилган. Деярли барча кўчалар ва жамоат бинолари ногиронлар учун очикдир. Улар жамоат ҳўрабоналари, ногиронлар аравачалари билан жиҳозланган театрлар ва кинотеатрларга ташриф буюришда, уларга махсус шахслар ҳамроҳлик қилишади. Шаҳарларда ногиронлар аравачаси фойдаланувчилари ва асосий ўтказиш пунктлари учун паст пьедесталар ўтиш жойлари мавжуд. Лифтларда, метро бекатларида, бекатларда, жамоат транспортда кўриш қобилияти ёмон одамлар Брайл ёзувидан фойдаланишлари мумкин, эшитиш қобилияти паст одамлар эса керакли маълумотларга эга бўлган айланб турадиган матндан фойдаланишлари мумкин. Поездларда ва жамоат транспортда ногиронлар аравачаси платформалари мавжуд. Метро станцияларида эса махсус лифтлар мавжуд.

Конституция ва Меҳнат кодекси меҳнат ҳуқуқини, меҳнатни эркин танлашни, адолатли шартлошни, ишсизлик ҳимоя қилиши ва меҳнат муносабатларидаги камситишни тақиқлаб қўйилганига қарамай, ногиронлар уни амалга оширишга уринишлари қўллаб тўсиқларга дуч келмоқда. Муаммо иш берувчининг ногиронлиги бўлган одамларни ишга олишда, тегишли меҳнат шартлошларини яратишда бефарқлиги ва кўп ҳолларда манфаатдор эмаслигидир.

Яна бир жиҳат, мамлакатимизда иш ўринлари квоталари ногиронлиги бўлган одамларни ишга жойлаштириш учун самарали восита эмаслигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бунинг сабаби, биринчидан, ногиронларнинг ҳуқуқларини бузадиган иш берувчиларга нисбатан жиддий санкциялар йўқлиги; иккинчидан, ногиронлар учун ижтимоий инфратузилма ва транспорт мавжуд эмаслиги; учинчидан, амалдаги қонунчиликда иш берувчиларни рағбатлантириш қўзда тутилмаган.

Инклюзив таълим, унинг моҳияти жисмоний имконияти чекланган одамларни тенгдошлари билан таълим муассасаларида бирага ўқиш учун реал имкониятларини яратишдан иборат бўлиб, бу ҳам долларб муаммо бўлиб қолмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан ногиронларга миллий олий ўқув юртиларига киришда имтиёзли ҳуқуқлар берилди. 2018 йилда олий ўқув юртиларига кириш учун белгиланган икки фоизли квотага мувофиқ 978 нафар ногирон талабалар сафига қабул қилинди. 2019 йилда ушбу аҳоли гуруҳининг 1,354 нафар вакили ўқишни бошлади.

Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ногиронларнинг ижтимоий хизматларга, ижтимоий ёрдамга, қўлай жисмоний муҳит яратиши

ва бошқа ҳуқуқларига кафолат беради. Бироқ унинг қоидалари кўпинча декларатив хусусиятга эга. Қонунга кўра, «ногирон» атамаси ижтимоий ёрдам ва ҳимояланиш учун махсус ҳуқуқларга эга бўлган аҳолининг алоҳида тоифасидаги ногиронларни ўз ичига олади ва шу билан хусусан, тиббий модел асосида камситувчи муносабатни юзага келтиради.

Ногиронлиқнинг мавжуд таърифи жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг қобилиятларига эмас, балки маълум қобилиятларнинг йўқлишига қаратилгандир. Шундай қилиб, ногиронларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг бутун спектрини қамраб олувчи қонун қабул қилиш зарурати туғилди. Шу муносабат билан 8 боб ва 46 моддадан иборат бўлган «Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланди. Ҳужжатда миллий қонунчиликда мавжуд бўлмаган «ногиронлик асосидаги камситиш», «ногиронларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари», «протез ва ортопедия махсулотлари», «абилитация», «имо-ишора тилига таржима қилиш», «ишора-техника воситалари», «тифлотехника ускуналари» каби янги тушунчалар акс эттирилган.

Маъмур қонуннинг Ўзбекистонда қабул қилиниши ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида замонавий услублар ва халқаро стандартларни жорий этишга имкон беради. Қонун лойиҳасида назарда тутилган чора-тадбирлар қўйдаги вазифаларни ҳал этишга, яъни:

- ногиронлар учун қўлай жисмоний муҳитни яратиш;
- ногиронларга нисбатан ҳар қандай камситишнинг олдини олиш;
- уларни ижтимоий ва сиёсий ҳаётга жалб қилиш;
- таълим ва иш билан таъминлаш имкониятларини таъминлаш;
- маданий ҳаётда, хордиқ чиқаришда, дам олишда ва спортда иштирок этиш имкониятини яратиш;
- ногиронларнинг эҳтиёжларига мос келадиган ижтимоий хизматларни ривожлантириш;
- ногиронлар масалалари бўйича идоралараро Кенгашни ташкил этиш;
- ногиронлиқни аниқлаш, ногиронларни реабилитация қилиш ва соғломлаштириш ва ҳўқазоларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлари, ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти, Ногиронлар жамияти ва бошқа манфаатдор нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, замонавий давр ва жамият тараққиёт сари илдамлаб бормоқда. Баъзида моддий қадриятлар пойғасида биз маънавий, меҳрибонлик ва раҳм-шафқат каби муҳим тушунчаларни унутамиз. Шуни ёдда тутиш керакки, жамиятда турли тоифадаги одамлар, жумладан, бирон сабабга кўра жамиятга тўлиқ қўлига олмайдиган ва кўпчилигимизга табиий бўлган турмуш тарзини олиб бора олмайдиган одамлар ҳам яшайди. Шунинг учун биз уларга зарур шарт-шароитларни яратиб беришимиз, уларнинг қўний ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашимиз шарт.

ОДИЛ СУДЛОВ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ томонидан кунни кеча эълон қилинган судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир Фармон қўйилганда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти ролини янада ошириш бўйича муҳим қадам бўлди, десак муболага бўлмайд.



Севархон МАРИПОВА,
Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини
ошириш маркази фуқаровий-
ҳуқуқий фанлар кафедраси
мудир, доцент

Шунингдек, илгор хорижий таъриба ва халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда Фармон билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш ҳамда маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларни ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тузаатиш белгилашмоқда.

Маъмур Фармон билан прокуратура органларининг ваколатларига оид ҳам муҳим ўзгаришлар киритилмоқда. Хусусан, давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реалитация асосларида кўра жиноят ишини тузаатиш, прокурор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан чақириб олиб ўрганиш ҳамда қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган фуқаролар ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш тартиби жорий этилмоқда.

Шу вақтга қадар прокуратура органлари томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарори бўйича ишларни турли сабаблар билан суддан чақириб олиб ўрганиш амалиёти мавжуд бўлиб, бу биринчидан ишнинг тарафларини эҳтиёждан келиб чиқмаган бўлса, иккинчидан бундай ваколат ишда тарафларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилган адвокатларда мавжуд эмаслиги сабабли прокурор ваколатини адвокатларга нисбатан устунроқ мавқега олиб чиқариб қўйган.

Ушбу ўзгариш эса адолатли, судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди деб айтиш мумкин.



Кучкор НОРҚОБИЛ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи.

Ҳамма нарса

ЖАВОБСИЗ нарсанинг ўзи йўқ: ҳа, ҳамма нарса қайтади. Оғабган куёш шуъласи оғушида қолган осмон остида дов-лув ёниб тўлғанаётган кўлга боқиб, тағинам ўз фикримни қатъий қилдим. Қайтади... Қайтади... Қайтади!

Худди мана шу кўлнинг ҳолига ўхшайди ҳаётимиз. Шамол сув сатҳини чайқаб ўрқач-ўрқач шошириб қирғоққа олиб келиб уради. Лаҳзалик сукут қаъридан сўнг яна шаддир-шуддир сас келади, кўпириб тошган тўлқинлар ортга қайтади, шамол эса, шамол кўлни яна бир чайқалтириб олади-да, тўлқинларни қирғоққа иргитади. Шамол отади, қирғоқ қайтаради. Бу азалий кураш, кўл осмонга кўзгу тутган пайтлардан бери давом этади. Сув пайдо бўлибдики, шамолнинг иши шу, соҳилга тўлқин хайдаш билан овора. Шамол мен енгдим, сув ўрқачларини соҳил сассиз ютиб юборади — тўлқинлар маҳв этилади, деб ўйлайди. Бирок бир қудратли куч муаллақ отилган ҳар бир нарсани изига қайтариб ташлашини шамол ҳеч қачон билмайдди. Йўқса, соҳиллар аллақачон кўл ва денгиз, уммонларни еб-ютиб юборарди.

Шамол соҳилга отган тўлқинлар инсон болаларининг бир-бирига аёвсиз иргитадиган маломат тошларига ҳам ўхшайди. Одам боласи ҳам худди доғдир шамол каби отган фалокатлари изига қайтади, деб хаёлига келтирмайди. Мен шамол забтида кўпириб-кўпчиб чайқалаётган озурда кўлга боқиб шундай хаёлга келдим. Соҳиллар бўлмаса кўллар йўқ бўлиб, тўлқинлар кўпикдай сачраб, жизганак ҳаво қаърида йитиб кетади. Денгизу уммонларни соҳиллар ушлаб туради. Сувли салтанатнинг ҳимоя қобиғидир соҳиллар. Инсон-чи? Инсоннинг-чи? Бир-бирига тинимсиз таъна-дашном иргитиб чарчамайдиган қавм отган маломат тошлари-чи? Уларни қандай соҳил тўсаркин? Бу соҳилнинг номи нима?

Мен айна шомталаш маҳал кўлнинг олис бурчига сингиш учун оғиб бораётган куёшдан узилиб-узилиб кўл сатҳига тушаётган олов парчаларига маҳлиё бўлиб термуларқанман, поёнсиз сувлик қаърида осмон ёққан гулхан гуриллагани, унинг тафти ва жозибаси сув сатҳига ҳам қалқиб чиққанини кўраман. Энди шамол гур-гурлаб ёнаётган олов тўлқинларни биз томон отади. Борлик кир-

мизтуслик оғушида чайқалади. Мен ҳамон жонли, бетакрорлик жозиб гузал манзарага эс-хушим учиб ҳаяжон билан қарайман. Шундай мўъжизани кўрмаслик нақадар аянчли ҳол. Қудрат етаклаб кетаётган сўқир кишига қарайман. Мезбонимиз уни нариги чайла томон, бу ерларнинг ижарачи-соҳибининг томон етаклаб кетарди.

— Яхши қилдингиз. Савоб-да, — дейман сўқир кишини нариги чайлага етаклаб бориб, жойини кўрсатиб қайтган Қудратга.

— Э-е-ей, ака! Бу дунёда ҳамма нарса қайтади, ёмонлик ёртигилам остида ётмайди. Мен бу одамни яхши танийман. Нариги, тоғ кишлоқдан. Мелисанинг каттакони бўлиб ишлаган. Агар айтиб берсам, зўр ҳикоя ёзасизлар, — дейди Қудрат шеригим Лукмонхон билан Элдорга ҳам бир қараб кўйиб.

Қудрат деганлари кўлга туташ овулда яшайди. Пойтахтдаги қадрдон ошнамизнинг жияни. Ошнамиз озиб-тўзиб йилда бир бор кўл бўйига дам олгани чиқаётганимизни эшитиб, бироз ичи ҳам куйди: “Ух-ух... Афсуски, мен боролмайман. Шанба-якшанба бошқа

ишларни режа қилувдим... Ҳа, майли сизлар у ёққа бориб, Қудрат жияни топинглар. Мана телефон рақами. Яхши жойдан ётоқ тайёрлаб қўяди. Ўзим айтаман, соҳилга яқин чайлалардан бирини танлайди. Жуда киришимли-қоришимли одам...”

Ошнамиз айтганидан ҳам далли-гули, одамлиқнинг олд ўғли чиқиб қолди Қудрат. Тубканинг тубидаги, элнинг оғзига тушган бепоён кўл томон олиб чиқадиган ўқир-чўқир кир йўлга чиқшимиз ҳамона осмондан осилиб тушди, ерни ёриб чиқдимиз, билмайман, Қудрат пайдо бўлди. Йўлнинг қок ўртасида “Гитлерсалом” қилиб кўл кўтарди. Лукмонхон адибимиз бирдан тормоз урди, машина силтаниб тўхтади. Рулга кўксини берган хайдовчи адиб нималардир, деб калима қайтарди, тап-тақир адирликлар орасида қораси кўринмай туйқус қаршингда бўй кўрсатса, албатта, шошиб қоласан-да...

— Асс...ассалому алайкум! Ёзувчи акалар! Хуш кепсиз, — туйқусчи туйнукдан бош тикиб машина ичидагиларга салом берди. — Мен Қудратман.

Биз ҳам ўзимизга келиб-келмай ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Таксир, энди Сиз орқага ўтинг. Мен йўл кўрсатиб бораман. Бу кенгликда бошқа ёққа бурилиб кетсангиз, нақд чегарадан чиқиб қоласизлар...

Мен ноилжорка ўриндикка ўтдим. Қудрат деганлари олд ўриндикка гурзидай бўлиб ўтириб олди. Лукмонхон унга қизиксиниб қараб кўйди. Элдор эса менинг ёнимда туриб бўйинини чўзиб, қийшайган кўйи олдинги ўриндикда ястанган Қудратга яхшилаб разм солмоқчи бўлади. Мен уни “тек ўтир” маъносидан сонидан чимчиб, ўйиб оламан. “Ҳа, нега чимсийсан?”,

“Бийтибгина кет, уят бўлади...”. Шу тобда, денг Қудрат ҳам биз томонга молшохлаш қилиб илқис бош буради:

— Қийналмай келаяспизларми? У ёқда ҳамма нарса тахт. Кўлнинг бўйгинасидан жой олдим. Беш-олти кило балик айтиб қўйдим. Манави қирдан сўнг сўлга бурилсак, ёпган нон, сузма-катик, памидор-самидорлар олашим.

— Овора бўлманг. Нон, газак-мазақлар юкхонада бор. Оливолганмиз. Фақат бизга бал-л-и-и-ув бўлса бас, — дейди Элдор чимчунинг заҳи кетмаганини менга билдириш учун мазахомуз оҳанда...

— А-а-а-а? Ним-а-а-а? Бал-ли-и-и-увнинг зўрларини тутиб, майда ховузга соп қўйишпан, — дейди Қудрат ҳам бепарво.

Элдор музу музтар бўлди. Жим котди.

...Қудрат чиндан ҳам чайланинг зўрини танлаган экан — шундоқ қирғоқнинг куйругида, бепоён кўл жозибаси, хур-хур шабада, сув сатҳидан нам тортган салқин ҳаво, тани-жоннинг роҳати. Айниқса, шамол кўлнинг шаштини шошириб, тўлқинларни соҳилга отиб ўйнаши янаям завқли эди. Чайланинг биқинига қозон-ўчоқ осилди. Чўмилишдан сўнг кеч киргач ўчоққа ўтин қалаб, қозонга емак ташлашга келишдик.

Шомнинг шашти пасайиб, шафақранг тусда жимирлаган кўл сатҳига оқшом пардаси ёйила бошлади. Кўда шокосадай-шокосадай бўлиб қақноқ юлдузлар пайдо бўлди. Шамол ҳам бироз нафас ростлади — пасайди, тўлқинлар тин олди, борлиқнинг бундай соҳир сулҳи аро майин шабада эсиб, кўлнинг намақоб таъми соҳилда бўй таратди. Ҳаво анчагина салқин тортди.

Хузурбахш чўмилишдан сўнг чайла устунларига тиркалган тапчанда оёқ узатиб, тепада тортилган тўрмато ортидаги олис осмонга кўз тикиб ётишнинг завқ-шавқини таърифлаб беришим мушкул, лекин умримда биринчи бор, ер, сув, само, осмоннинг абдий ёниқ фонуслари — юлдузлараро сирли бир боғлиқлик мавжудлигини ҳис қилдим, бу уйғувлик, хуув олис чайлалар



(ҲИКОЯ)

Қайтади

томондаги полдизлар қаъридан келаётган чигирткининг чириллашига ҳам ҳамоҳанг ҳаётийлик риштаси билан чамбарчас боғлиқдай туюлди. Мана шу чигиртка чириллашидан тўқилган оҳанг титроғи, ким билсин, балки олис самовотдаги юлдузларга бориб урилаётгандир. Ахир, ҳар бир нарса бир-бирига боғлиқ-ку, кўл тубида чайқалган майса ноласи ўқирган бўронлардан кўра ху-уув самовот қаърида милт этган нуқтаюлдузларга етиб бораётгандир. Ким билсин? Ким билсин? Табиат — мўъжиза. Яратган Ғамнинг мукамал ижоди бу!

Мен шундай ҳаёллар билан жимир-жимир юлдузлар салтанатидан кўз узмайман. Шу тобда Элдор ҳамроҳимиз кимнидир бошлаб келади.

— Танишинглар, Раҳимбой. Бизга шу укамиз ҳозир балиқ шўрва қилиб беради. Зўр йиғит экан...

— “Ухо” денг, “ухо” — ўсмоқчилади Лукмонхон дўлиблиши елкасига тортиб чалқайрамон чўзилиб юлдузларга назар ташларкан...

— “Ухо”мас. Бу ўзбекча балиқ шўрва. “Ухо”ни ўрсияда ичасиз, — кесатди Элдор.

— Ҳимм... Шундай денг. Шу ёшга кириб ўзбекча балиқ шўрвани эшитмабман. Дуруст, зора бутун бу янгилик билан юзма-юз келиб, ҳаётимнинг ўзига хос саҳифалари очилиб кетса, — “ўлиқтап” қилади Лукмонхон.

Қош қораяди. Тун ерга қулайди. Осмон пасаяди. Юлдузлар кўл билан юзма-юз. Юлдузлар кўлга сув ичгани тушган. Юлдузлар сув саҳида юзиб юрибди. Ана сизга манзара-ю, мана сизга манзара... Тўқиллар ўрқачида юлдузлар чўмилмоқда.

Чайламиздан икки-уч кадам нарида ўчоқ гуриллади. Раҳимбой шўрвага уринди. Зум ўтмай қозон томондан ёқимли бўй таралади. Оловнинг чарс-чурси, темир ўчоқ оғзидан ўрлаган учқунларнинг тун қаърида чизик тортиб ўчиши... бари... бари сирли-сехрли. Шоирлар мафтункор кеча, деб ох-воҳ урадиган пайт мана шу бўлса керак. Кечанинг бундан чиройли, хордикнинг бундан ажойиб

бўлиши мумкинмас...

Бироз фурсат ўтгач, овулга кетган Қудрат ярим бидон қатик кўтариб келди.

— О-о-о, зўр-ку. Ёрдамчи ҳам топилибди-ку, — деди юлғунзорга туташ сўқмоқ оғзи — чайла ёнида ўрнатилган, гуриллаб ёнаётган ўчоққа ишора қилиб.

— Келавермаганингиздан кейин топдик-да, — дейди Лукмонхон бироз норизо бўлиб.

Негадир у Қудратни унчаллик ёқтирмаётгани, бизни деб пойи-патак эрса-да, Қудратга нописандлик қилаётгани менга ҳам малол келди:

— Бу киши бизга шўрва қилиб бераман, деб ваъда қилмагани, эшоним, — дейман норизо оҳангда.

— Айтдим кўйдим-да... об-бо-о, — Лукмонхон хафаланади.

— Қани, ундан кўра ҳали бир воқеани айтсам, зўр хикоя ёзасизлар девдингиз. Бир эпитайлик, қандай воқеа экан у, — дейман мавзун бошқа ирмоққа буриб.

— Майли, айтсам-айтаман. Мен халигинда ётақлаб ўз чайласига олиб борган кўр кишининг бир пайтлар дамига довулча пишиб, тикилса тоғ титраб кетарди. Мелиса эди, энагар. Ҳозир машинадан кирачи суяб туширганда жон-поним чиқиб кетди. Бирдан танидим, — худди дунёвий ахбор айтаётган каби энтикади Қудрат. Бир муддат жим қотди. Ўчоқ бошида куймаланаётган Раҳимбойнинг шарпаси ҳам чайла ёнига келади. Ўчоқда ўт секин, милтиллаб ёнади. Қозоннинг яхши кайнаши учун оловни камайтирган укамиз чайла устунига елка тираб, ерга кет қўяди.

— Хуллас, бундан анча йиллар олдин, мана шу одам ёнига иккита мелиса шеригини олиб овул ораларди. Ҳамма уйга бирма-бир кириб чиқишарди. Кейин зим-зиё бўлиб кетишарди. Эрта баҳорда яна пайдо бўлишарди. Мен уйга таклиф қилиб, дастурхон ёзардим. Кейин чиқиб кетишарди.

— Ана Сизга хикоя, — деди Лукмонхон кесатди.

— Шошманг-да, хикоянинг зўрини эшитасиз. Хуллас, аини ёз чилласи яна пайдо бўлишиди. Ҳе йўқ, бе йўқ, менинг кўлимга

кишан уриб олиб кетишиди.

— Нега?, — дейди Элдор диққати ошиб.

— Э-с-ей, ана, кескин бурилиш, — ажабсинади Лукмонхон. — Давом этаверинг, — дейман ишониб-ишонмай.

— Хуллас, кимсасиз қирликлардан ўтиб, қатта бир ғор олдида оловни тўхтатишди. Орқаси панжаратўсин Увазидан судраб туширишди. Кулоқ чаккамга кучли мушт келиб тушди. Гандирақлаб йиқилдим. Манави гўрсўхта эса қорнимга зарб билан бир икки тепди.

— Нега, нима учун? — дейди Элдор хангу манг бўлиб. — Кўлингизга кишан солиб, ётақлаб кетишаверса, индамай боравердингизми? — таажжубланади у.

— Сўрадим, сиктадим. Нега кўлимга кишан урдинглар, деб ховлидаёқ тайсалладим. Бўлимга боргач биласан, дейишди.

— Эҳ чёт!, — чайла устунига елка тираб ўтирган Раҳимбойнинг ўкинчи эшитилади. — Мараз-еёй.

Қоронғулик қаъридан инграган бу сас Қудратга далла беради.

— Ҳа, маразлар. Роса савалашди. Нега дейсизларми? Бизга овулингда ё қурол, ё наша топиб берасан, дейишди.

— Нега? — Элдор хайратини яширолмади.

— Нега бўларди. Аллақайси овулдаги қудуқдан мурда чиққан экан, жиноятчи топилабди. Жиноятчи топиладими, демак натижа ноль. Уйимга келганлардан бирининг зиммасида экан ўша жиноятни очиш... Энди ҳеч бўлмаса қурол ёки наша топилагани борасидаги жиноятни фош этмаса, иши чаток бўларкан... Кўраёписизми, номардлар, келиб-келиб туз еган жойига тупуриб, мендан наша ёки қурол топиб берасан, дейишди.

— Оббо ит эмган, ахлатлар, — ижирғанади Элдор.

— Сиз нима қилдингиз?, — қизиксинади Лукмонхон.

— Мен йўқ, дедим. Бу овулда ҳеч кимнинг уйида қурол ҳам, наша ҳам йўқ. Бўлган тақдирда ҳам, билсам ҳам сенларга айтмасдим, айтмайман, дедим. Кейин улар менга сенинг ўзингни камай-миз, ўлдирворамиз, деб дўқ

уришди, яна калтаклашди.

Мен ҳам улар билан силлам етганича тутакшидим. Охири, мени уриб-уриб адирга ташлаб кетишди. Хуллас, ўшанда бир амаллаб уйга етиб келдим. “Кўзинг оқиб тушсин”, деб қарғандим. Ҳимм, бу дунёда ҳар бир ишнинг жавоби бор экан... Бу одамга мен ўзимни танитмадим. Ўлганнинг устига тепаган қилиб нима кераги бор. Тўғрими?

— Жуда тўғри. Худойим жазосини берибди-ку, — дейди Лукмонхон.

— Д-а-а, жуда таъсирли хикоя чиқайди, — хомуш тортади Элдор.

Чайладан нарида, бурчакда устунга суяниб зимистонлик қаърида ерга чўк тушган Раҳимбой бир қимирлаб олади!

— Оббо-о-о, маразе-ей, — тўнғиллаб қўяди яна.

Қудрат чайлада хира шуъла таратиб турган фонусни олиб пастга тушиб, чайла устунига ярим бел бўлиб суяниб ўтирган Раҳимбой ёнига яқинлашади. Унинг бошида фонус тутиб дакки бергандай бўлади:

— Укам, чайлага чиқинг, меҳмонларнинг ёнига.

— Ол фонусни, ифлос.

Маразсан, сен! Бу ерда сенинг борлигини билганимда оёғимни ҳам босмасдим. — Раҳимбойнинг газабнок овозидан бир қалқиб тушдим. Элдор ўз-ўзидан “и-и-е-й” деб қўйди. Лукмонхон ўрнидан туриб кетди.

— Нима-а-а? Нима деяпсан? Эсинг жойидами?

Қудратнинг овози қалтираб кетди. Фонуснинг хира шуъласи тушган газабнок юзга боқиб ортига бир чайқалди, қўлидаги фонусни ерга ташлаб юборди.

Раҳимбой ўрнидан даст туриб Қудратнинг бўйиндан маҳкам ушлаб, бир силтаб ерга ўтиргизиб қўйди. Биз нафасимизни ҳам чиқармай, хангу манг бўлиб, тош қотгандик.

— Ўтир ифлос! Қимир этсанг, ёриб ташлаб, ичак-човоғингни қўлга иргитаман. Сен ҳам одаммисан?

Бир лаҳзалик совуқ, ўлик сукут чўқди. Шу лаҳза ичра эсаётган шабада ҳам тиниб, суронли кўл ҳам музлаб қолганга ўхшайди. Қутилмаган ҳолатда ҳамма нарса тош қотди. Олам

сукут ичиди эди. Раҳимнинг ихрокли овози эшитилди:

— Акалар, мени кечиринглар. Ўзимни тутолмадим. Манави ифлос, нариги овулда яшайди. Ўша ўзи айтган иблисларга ялтоқлик-шалтоқлик қилиб кўп кишиларни қон қаштади бу. Менинг ҳам қамалишимга шу сабабчи. Бобомнинг милтигини олиб тўқайга овга чиққанимни кўриб, анавиларга чакқан ҳам шу. Бобом қазо қилгач, милтиқни ўз номимга хужжатлаштира олмадим ўшанда. Бир куни уйимиздан милтиқни топиб, мени тоғ кишлоқда юз берган отишмада қатнашгансан, деб беш йилга қамашди. Овулимиздаги Жўра бобонинг томорқаси адоғидаги ерга эрта баҳор ўзи кўкнор уруғи селиб, бобонинг биз-несмен ўғлини қаматиб юборган ҳам шу. Бу ўша иприски ментларга ҳамиша “результат” топиб берадиган ялтоқхўр-ку... Қанчалаб одамларнинг бошига етмади, дейсиз.

Осмон узилиб тушганга ўхшайди. Нимадир қарс этди. Шу тобда фалакнинг бир бурчи ёришиб момақалдирак гумбирлади. Қудрат гужанак бўлган кўйи ўрнидан турди-да, ичидан худди кучукнинг гингшишидай ихрокли бир овоз чиқарди. Яна момақалдирак борлиқни ларзага келтирди. Қудрат чайқалиб ўрнидан турди-да, жингилзорга туташ сўқмоққа равона бўлди. Бу галги чакмоқ ёруғи бутун борлиқни оний лаҳзада чароғон этди, кўзларим қамашиб кетди-да, сўқмоқ бўйлаб гандирақлаб кетаётган Қудратни кўрдим.

— Акалар, мени кечиринглар, чидай олмадим, — Раҳимбой фонусни олиб ўчоқ томон юрди.

— Мана буни зўр хикоя десак бўлади, — деди Лукмонхон хомуш оҳангда.

— Ҳикояга мос табиат манзараси, ёзда момақалдирак, — дейди Элдор.

— Ҳамма нарса қайтади, — дейман мен.



Агата Кристи
Англия ёзувчиси

ЧИММАТЛИ ХОНИМ

— Анавини қаранг! — деб юборди дераза олдида айланган Пуаро. — Романларда “зур бериб чимматта ўралиб олган хоним”, деб аталувчи қиёфа шу ерда, кўчада турибди. Мана, у зиналардан кўтариляпти, ҳадемай кўнгиракчи босади, ҳойнаҳой, у биздан маслаҳат олишга келди. Бу ерда қизик бир ҳол юз берганлигининг катта эҳтимоли бор. Бундай ёш ва жозибали аёл фавқуллодда жиддий ҳодиса бўлмаса, бекордан-бекорга юзини чимматта яширмайди.

Бир дақиқадан сўнг меҳмонимиз кириб келди. Пуаро айтгани каби хоним дарҳақиқат зўр бериб чимматта ўралиб олганди. То у испанча қора турли рўмолини кўтармагунча унинг юз қисмини аниқлаш жуда мушкул бўлди. Шунда мен Пуаронинг ички сезгиси алдамганлигига иқдор бўлдим, хоним малла сочлари ва мовий кўзлари билан чинданам бениҳоя лобар эди. Унинг либосларидаги беназир соддаликдан мен аёл жамиятнинг бирорта юқори бўғинларидан бўлса керак, деган фикрга келдим.

— Мсье Пуаро, — дея сўз бошлади у юмшоқ майин оҳангда. — Мен катта ташвиш ичидаман. Сизнинг ёрдан беришингизга базўр ишонаман, бироқ Сиз тўғригингизда шунчалар ажойиб сўзлар қўлоғимга тушганки, шунга мувофиқ равишда бир чора топишингизга сўнги умид қилган ҳолда ҳузурингизга бош уриб келдим. — Илоҳсизлик ҳаммавақт мени хушнуд қилган, — мамнуниятини билдирди Пуаро, — Худо хайрингизни берсин, давом этинг, мадемуазель.

Бизнинг қимматли меҳмонимиз андак иккиланиб қолди. — Аммо Сиз тўғриси бўлишингиз керак, — дея огоҳландирди Пуаро. — Бирон ўринда ҳам мени қоронғилик ичида қолдирмаслигингиз лозим.

— Сизга ишонаман, — хитоб қилди қиз бирдан. — Сиз Миллисент Вафл исмли хонимни ҳеч эшитганимиз?

Мен кучли қизиқиш билан бошимни кўтариб қарадим. Миллисент хонимнинг ёш герцог Саушайе билан унаштирувнинг эълони бир неча кунлар илгари омманинг тилига тушганди. Мен ўша хоним ирланд оиласининг бешикчи қизи, герцог эса Англиянинг энг яхши табақаларидан бирига мансуб эканлигидан воқиф эдим.

— Ўша Миллисент хоним — менман, — сўзида давом этди қиз.

— Унаштирувим тўғрисида эшитган бўлсангиз керак. Мен ҳаётдаги энг бахтли қизлардан бўлишим мумкин эди, бироқ оҳ, мсье Пуаро, ана энди, айна пайтда даҳшатли азоб ичида қолдим! Бир киши, важоҳатли киши — унинг исми Лавингтон у — Сизга қандай қилиб айтишни ҳам билмайман. Мен бир хат ёзгандим — у пайтда бор-йўғи 16 ёшда эдим, у эса, у...

— Ўша жаноб Лавингтонга ёзган хатингизми?

— Оҳ, йўқ, унга эмас! Ёш бир аскар йигитга — мен унга ошиқи мубтало эдим, у урушда ҳалок бўлди.

— Тушундим, — деди Пуаро мулоимлик билан.

— У бир тентакона, арзиман хат эди, мсье Пуаро, бундан ортиқ нарса эмасди. Лекин хатда шундай жумлалар борки, улар бошимга турфа ғавғоларни солади.

— Тушунарли, — деди Пуаро. — Шундай қилиб, у хат жаноб Лавингтоннинг қўлига тушдими?

— Шундай, токи мен унга шароитим кўтара олмайдиган катта суммадаги пул тўласамгина, у хатни герцогга жўнатмайман, деб кўрқитди.

— Ифлос чўчка! — ҳайқириб юбордим мен. — Афв этасиз, Миллисент хоним.

— Ҳаммасини бўлғуси турмуш ўртоғингиз олдида тан олиш донорроқ иш бўлмасмиди?

— Қатъий айтаманки, йўқ, мсье Пуаро. Герцог анчагина ғайриоддий табиатга эга, рас-

кчи ва гумондор ҳамда гапнинг энг ёмонига ҳам ишонишга мойиллиги бор одам. Мен ўша заҳоти унаштирувни бузишим ҳам мумкин бўлади.

— Азизам, азизам, — Пуаро юзини маъноли буриштирди. — Мени нима қилишимни истайсиз, миледи?

— Ўйлашимча, балки мен жаноб Лавингтондан Сизга шикоят аризаси билан чиқишини сўраман. Унга айтаманки, Сизга мен томонимдан бу масалани мунозара қилиш учун ваколат берилган. Эҳтимол, Сиз унинг талабларини камайтирасиз.

— Жаноблари қанча сумма талаб қилганди?

— Йигирма минг фунт, имкон қадар. Ҳатто, яна мингга кўтарса керак, деб шубҳалана-ялман.

— Сиз балки яқинлашиб келаётган тўйингизнинг мўлжал устидан қарз олиб турсангиз бўларди, аммо ўшандаям сумманинг ярминигина тўлай опасиз, деб кўрқаман. Устига устак, эҳ, иснодни кўринг, менга ўнғай эмас бўлиб туюлаётгани — пулни Сиз тўлашингиз керак-да! Йўқ, Эржоль Пуаронинг зўкколиги Сизни ганимларингиздан ҳимоя қилади! Ўша жаноб Лавингтонни менинг ҳузуримга юборинг. Балки у ўзи билан бирга хатни ҳам олиб келар?

Қиз бошини тебратди.

— Мен бундай деб ўйламайман. У жуда эҳтиёткор одам.

— Билишимча, хат ростданам унда эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

— Уйига борганимда, у менга хатни кўрсатганди.

— Сиз унинг уйига бордингиз? Ахир, бу ўтақетган эҳтиётсизлик-ку, миледи!

— Эҳтиётсизлик бўлган! Ахир, мен жуда ночор эдим!

Утинчларим унинг кўнглини юмшатар, деб кўз тутгандим.

— Оҳ, ла-ла! Бу замоннинг Лавингтонлари ўтинч-у нола-

лардан юмшамайди! У буларни Сиз ҳужжатга қанча кўп муҳимлик қиритганингиз каби қабул қилади-ку! Уша зўр жентльменнинг ўзлари қаерда истиқомат қиладилар?

— Вэмблдондаги Буона Вистада. Мен у ерга кеч тушгандан кейин боргандим.

Пуаро инграб юборди.

— Ниҳоят, мен полицияга ахборот беришимни баён қилдим, аммо Лавингтон жуда ёқимсиз, мазаҳсирарган ҳолда тиржайиб қўйди, холос. “Азизам Леда Миллисент, бориб, қўлингиздан келганини қилинг”, деди у.

— Ҳа, бу полиция учун анча-йин бошқотирма иш бўлади, — деб мингиллади Пуаро.

— Бироқ умид қиламанки, Сиз унданам кўра донорроқ бўласиз, — деб давом этди у.

— Қаранг, мана Сизнинг хатингиз — шу кичкинагина, сирли хитойча кутининг ичида!

Моҳир изкувар қозони қўлида тутганидан кейингина мен уни илғай олдим. Қозони ушлаб олишга урингандим, аммо Пуаро мендан кўра чаққонроқ экан. Совуқдон кулимсираш билан қозони бўлганда, ёғоч

кутичанинг ичига солди.

— Сизни ишонтириб айтаманки, хат бу ерда анчаини хавфсиз бўлади, — деб ишонтирди у хонимни. — Қўти бўлса шундай оромжон жойда-яшайдик, Сиз уни ҳеч қачон топа олмайсиз.

Менинг кўзларим девордаги мўъжазгина сейфни мўлжаллаганди, Пуаро бошини тебратиб қулди.

— Менинг бунданам кўра хавфсизроқ жойим бор, — деди у. — О, у разил одам! Жаноб Пуаро, Сиз менга кўмак бера оламан, деб ишонасизми? — дея типирчилади қиз.

— Папа Пуарога ихлос қилинг. Мен, албатта, бир тадбир топарман.

Пуаро назокат билан ҳурматли меҳмонимизни зиналар бўйлаб кузатиб қўяр экан, мен бу тасаллиларнинг барчаси роса ўринли бўлди, деб хаёлимдан ўтказгандим, лекин кейин шундай бўлиб чиқдики, олдимизда ечилмиш гоят мураккаб бўлган катта тугун турарди. Пуаро қайтиб кириши биланоқ шуни баён қилдим.

У аянчли ҳолатда бошини қимирлатди.

— Ҳа, калаванинг учини кўздан қочирмаслик зарур. Қамчи эса унда, ўша жаноб Лавингтонда. Айни дақиқада уни қандай қилиб чув туширишга кўзим етмаяпти.

Ўша куни жаноб Лавингтон бизга керакли бўлган шикоят аризаси билан мувожаат қилди. Леда Миллисент унй қирканч одам сифатида тасвирлаб берганида ҳеч муболага қилмаган экан. Мен оёқларим учидан санчиқ турганини аниқ-тиниқ ҳис қилдим, бу маҳлуқни зиналарнинг пастига қараб тепиб юборишни шундай хоҳладимки! Жаноб бўрондай устун келувчи қиёфада эди, Пуаронинг юмшоқ таклифлари устидан масҳаромуз кулар, умуман олганда, ўзини вазиятнинг бошлиғи қилиб кўрсатарди. Пуаронинг ўз қобилиятини заррача ҳам намён қилмаганлиги назаридан қочиб қутулмади. У умидсиз ва ғамгин эди.

— Ҳўп, жаноблар, — деди Лавингтон шляпасини кўтариб қўяр экан.

— Бизнинг ошимиз у қадар узоқ вақтга пишмайдиган қирнади. Демак, бундай келишасак Мен леда Миллисентга нархни бироз тушириб бераман, зеро, у шунчалар ёш ва жозибали хоним экан. — У жирканч ҳолда кўз қирини ташлаб қўйди. — Дейлик, ўн саккиз минг. Мен бугун Парижга жўнаймайман. У ерда ниҳоясига етказиб қўядиган озгина бизнес ишим бор. Сешанба куни қайтиб келаман. Пул эса ўша куни кечкурун тўланмас экан, хат герцог томон жўнатилади. Менга, леда Миллисент бунча пулни кўтара олмайди, деб қарши чиқманлар. Унинг баъзи олижаноб дўстлари шундай лобар аёлга қарз бериб туришга жон-жон, деб туришибди. Агар хонимнинг ўзи бу борада тўғри йўлдан кетолса.

Менинг юзларим қизарди, олдинга қараб бир қадам

ташладим, бироқ Лавингтон гапини тугатар-тугатмай хонандан зипиллаб чиқиб кетиб бўлганди.

— О, Худойим! — деб қичқириб юбордим. — Нимадир қилиш керак. Сиз бу разилликнинг давом эттишига индамай турадиган кўринасиз, Пуаро.

— Бебаҳо юрагингиз бор, дўстим, аммо мянгииз бироз чигал ҳолатда. Жаноб Лавингтонни ўз иқтидорим билан ҳайратда қолдириш ниятида эмасман. У мени қанча кўрқок, деб ўйласа, шунча яхши.

— Нима учун?

— Эҳтиёткорлиги учун, — мингиллаганча эслатди Пуаро. — Леда Миллисент етиб келгандагина қонунга қарши иш бошлаш мақсадимни билдириш керак!

— Лавингтон жўнаб кетганида, унинг уйига қулфбузарлик қилиб кирмоқчимисиз? — деб ҳансирадим мен.

— Баъзан Гастингс, ақлий қобилиятингиз ҳайратланарли даражада ўткир-да.

— Борди-ю, у хатни ўзи билан бирга олиб кетса-чи?

Пуаро бошини тебратди.

— Бу жуда ҳақиқатдан узоқ. Унинг уйда ўзи анчагина топиб бўлмас, деб хаёл қилган яширин бир жойи бор.

— Биз қачон, ҳалиги, ҳаракатни бошлаймиз?

— Эртага тунда. Бу ердан тахминан соат 11:00 ларда чиқиб кетамиз.

Ўша белгиланган вақтда мен жўнаб кетиш учун тахт эдим. Қора костюм ва юмшоқ қора шляпа кийиб олгандим. Пуаро менга қараб, мулоимгина, аммо қувноқ табассум қилди.

— Ролингизга муносиб равишда кийиниб олибсиз, кўриб турибман, — мақтаб қўйди у менга кўз югуртираркан. — Келинг, Вэмблдонга метрода кета қолайлик.

— Ўзимиз билан бирон нарса олмаймизми? Кириш учун синдирувчи асбобларми?

— Қадрдоним Гастингс, Эржоль Пуаро бундай дағал усуллардан фойдаланмайди.

Илтифотсизлик қилган қиёфада ортга чекиндим, аммо қизиқишим баланг келди.

Буона Вистанинг шаҳар четидидаги чоғдакина боига кириб борганимизда қоқ ярим тун бўлиб қолганди. Уй қоронғу ва тинч эди. Пуаро тўғри уй орқасидидаги дераза олдида борди-да, панжарани шовкинсиз кўтариб, мени ичкарига торти...

— Бу деразанинг очиқ бўлишини Сиз қандай билдингиз? — деб шивирладим мен, чунки бу ростданам ғайритабиий бўлиб туюлди.

— Сабаби, бугун ҳийла ишлатиб, шундан билиб олдим.

— Нима?

— Қаранг, бу жудаям оддий. Мен уйга кириб, битта қалбаки коневрт ва инспектор Жапнинг расмий қўғозларидан бирини уларга кўрсатдим. Шотланд Ярди томонидан тавсия этилиб, юборилганимни билдирдим, баъзи қулфбузарларни топишга бириктирилганимни ва жаноб Лавингтон кетганида,

хавфсиз бўлишни хоҳлаганини билдирдим. Уй бошқарувчиси мени иштиёқ билан қарши олди. Аниқланиди, бу ерда икки нафар тажовузкор экинчагина пайдо бўлган, қолаверса, бизнинг бу кичик гоёмиз жаноб Лавингтоннинг ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган мижозларида ҳам содир бўлганди. Мен барча деразаларни текшириб чиқдим, ўз кичик ташкилий ишмини режалаштириб олдим, деразалар электр токка уланиб қўйилгани учун эртагача хизматкорларга тегишни таққилладим ва мана, ҳаммаси силлиқ битди.

— Пуаро, Сиз ростданам ғаройбсиз.

— Қўйсангиз-чи, бу энг осони эди. Энди эса ишга! Хизматкорлар унинг тепасида, чордоқда ухлашади, демак уларни безовта қилишимиз учун кичкина ҳаракатимизнинг ўзи етарли.

— Фараз қилишимча, сейф қаердадир деворга қурилган бўлса керак?

— Сейф? Бўлмағур гап! Ҳеч қанақа сейф йўқ. Жаноб Лавингтон каллали одам. Кўрасиз ҳали, у сейфдан кўра мукамалроқ яширин жойни ўйлаб топган. Сейф бўлса ҳамма излаши керак бўлган биринчи жой.

Шундан сўнг биз бутун бошли жойда узлуксиз қидирувни бошлаб юбордик. Бироқ уйни ағдар-тўнтар қилишнинг бир неча соатларидан кейин бу тинтувимиз бесамар чиқди. Пуаронинг юзида ғазаб учқунларини пайқадим.

— Аҳ, шармандалик! Эркюль Пуаро зарба ейдими? Асло! Кел, хотиржам бўлайлик. Чуқуроқ ўйлаб кўрайлик. Кел, ақлим! Бироз миямизни ишлатайлик.

Пуаро фикрларини жамлаб олиш учун қошларини чимириб, бир неча дақиқа жим қотди, кейин менга жуда яхши таниш бўлиб қолган яшил чўғ унинг кўзлари ичида чақнаб кетди.

— Тентак эканман! Ошхона! — Ошхона, — деб қичқирдим мен. — Аммо бу эҳтимолдан анча йироқ-ку. Хизматкорлар!

— Аниқ шундай. Юзта одамдан тўқсон тўққизтаси шунақа дейди! Худди шу сабаб учун ҳам ошхона энг идеал жой сифатида танилган. У ер турли-туман ашёларга тўла. Олға босдик, ошхонага!

Мен буткул ишончсиз ҳолда, гумонлар ичида унга эргашдим, бу вақт мобайнида эса Пуаронинг нон куталари, жўмракли кюстриолкалар ичига шўнғиб кетиб, газ духовкиси устига бошини қўйганини кузатиб турдим. Ниҳоят, Пуарога кўз солиб ўтиришдан чарчаб, айланиб кабинетга қайтиб

келдим. Ич-ичимдан биз қидираётган сирли нарсани айнан шу ердан, фақат шу жойдан топамиз, деб ишонгандим. Бироз вақт қидириб кўрдим, соат эса нақд бу пайтда тўртдан ўттиз дақиқа ўтганини кўрсатиб турарди, демак бу ерга тез орада ёруғ тушади, дедим-да, яна ошхона худудига қайтдим.

Мени буткул ҳайратда қолдиргани, Пуаро ўзининг тоза, ярқироқ костюмини бутунлай хароб қилганча кўмир қутиси ичида тик турарди. Унинг юзлари буришиб кетганди.

— Қаранг-а, дўстим, кўринишимни расво қилганим билан ички ҳисларимга бир ечим топгандайман, Сиз нима дейсиз?

— Лекин Лавингтон хатни кўмир остига яширмагандир?

— Агар Сиз кўзларингизни ишлатсангиз, мен текширган нарса кўмир эмаслигини кўрасиз.

Шундан сўнг мен кўмир бункери орқасида хода, ёғочлар уюб қўйилган шкафни кўрдим. Пуаро элчиллик билан уларни бир-бир оларди. Тусатдан у секингина хитоб қилди:

— Пичоғингиз, Гастингс!

Пичоқни унга узатдим.

Пуаро ёғоч ичига пичоқни солганди, хода бирдан иккига ажралди-қолди. Унинг ярми аниқ-равшан очилган, ўрта-сида эса бир ковак ташқарига кўриниб турарди. Уша ковакдан Пуаро хитойча кичкина ёғоч қутчани олди.

— Офарин! — қичқириб юбордим мен ўзимга келиб.

— Секинроқ, Гастингс! Овозингизни бунчалик юқори кўтарманг. Юринг, ёруғ устимизга тушмасдан аввал жўнай қолайлик.

Чўнтагига қутчани билдирмай жойлаганча, Пуаро кўмир-бункер ичидан энгилганина сакраб чиқди, ўзини имкон қадар қоқиб тозалагач, уйга қандай кирган бўлсак, худди ўша йўл билан чиқиб, Лондон йўналиши томон пиёда кетдик.

— Қандай фавқуллода ҳайрон қоларли жой-а? — ҳайратимдан довдираганча сўз қотдим мен. — Ахир, кимдир ходани ишлатиши мумкин эди-ку!

— Июлда-я, Гастингс? Тагин у уюмининг тагида бўлса — жуда зукко яширин жой. А-ҳа, мана такси! Мана энди ювниш ва мароқли уйку учун уйга кетдик.

Тундаги хурсандчиликдан кейин кеч ухлагандим. Ниҳоят, соат 01:00 дан сал аввал кабинетимизга судралиб кириб келсам, креслосига орқасини суяганча, олдига хитойча қутини очиб қўйиб, ундан олган хатни осойишта ўқиб ўтирган Пуарони кўриб лол қолдим.

У менга меҳр билан жилмайиб қаради ва ушлаб турган қоғозини тапиллатиб ерга қўйди.

— Лэди Миллсент хоним ҳақ экан, герцог ҳаётда унинг бу хатини авф этмаган бўларди! Хат, мен умримда дуч келмаган, ишқа тўла энг ҳалок этувчи жумлалардан иборат экан.

— Мен бўлса, Пуаро, — дедим мен яхшигина аччиқланиб. — Сиз хатни ҳақиқатанам ўқиб чиққансиз, деб ўйламайман. Бу сиз қўл уришингиз мумкин бўлмаган иш.

— Бу иш Эркюль Пуаро томонидан бажариб бўлинди, — деб жавоб берди дўстим оғир-босиқлик билан.

— Яна бир нарса, — деб қистириб ўтдим. — Кечаги ўйинни тинч ўйнаш учун Жепнинг расмий карточкасидан фойдалансангиз, деб ўйламайман.

— Аммо бу ўйин ўйнаш эмас эди, Гастингс. Мен жиноий ишни бошқардим.

Мен елкаларимни қисдим. Қуруқ нуқтаи назар билан тортишиб бўлмайдим, ахир.

— Зиналарда оёқ товуши эшитилапти, — гапимга нуқта қўйди Пуаро. — Лэди Миллсент бўлиши керак.

Пуаро қўлида тутиб турган қутчани ва хатни кўриши билан юзидоги ташвишли ифода хурсандчиликка айланган қимматли мижозимиз кириб келди.

— Оҳ, мсье Пуаро! Қанчалар ажойибсиз-а, Сиз! Бундан қандай қилиб амалга оширдингиз?

— Анча мураккаб усуллар билан, миледи. Аммо жаноб Лавингтон бизни қораламайди. Бу Сизнинг хатингиз, шундайми?

Хоним хатга кўз югуртирди.

— Ҳа, вой, Сизга қандай қилиб миннатдорчилик билдирай! Сиз ажойиб, ғаройиб одамсиз! Хат қаерга беркитилган экан?

Пуаро хонимга гапириб берди.

— Қанчалар зуккосиз-а! Лэди Миллсент қутчани олди.

— Мен бундан эсдалик ўрнида сақлаб қўяман. — Эсдалик сифатида уни Сиз менга сақлаб қўйишимга рухсат берасиз, деб умид қилгандим, миледи.

— Сизга бунданам яхшироқ эсдалик совғасини тўйим кунни жўнатаман, деган ниятдаман. Сиз мени нонқур, деб билмайсиз, мсье Пуаро.

— Ҳар қандай чеқдан кўра бу хизматни бажаришингиз мени мамнун қилган бўларди — шундай экан, Сиз менга қутчани сақлаб қўйишга рухсат берасиз.

— Вой, йўқ, мсье Пуаро, мен бундан шунчаки олиб қўймоқчиман, — деб қулиб қичқирди хоним.

У қўлини чўзганди, бироқ Пуаро ундан олдинроқ қутчани тортиб олди. Кафти билан қутчанинг оғзини ёпди.

— Ўйлайманки, йўқ. Пуаронинг овози ўзгарганди.

— Нима демоқчисиз? Хонимнинг товуши ҳам таҳдидроқ бўлиб баландлагандай туюлди.

— Ҳар қанақасидан ҳам, ишнинг моҳиятини чуқуроқ очиб кўришимга йўл берасиз. Пайқадингизми, қутидоги асл ковак ярмидан қамайтирилган. Тепаси ярим, унда келишув хати...

— У илдамгина имо қилди, сўнгра қўлини узатди. Унинг кафтида тўртта катта ярқироқ тош ва иккита улкан, сутдай оқ дур бор эди.

— Мени тузуккина қизиқтириб қўйгани — бу қимматбаҳо тошлар қайсидир бир кунни Бонд кўчасида ўғирланган, — деб пичирлади Пуаро. — Жеп бизга айтиб берди.

Шу пайт мени тамоман ҳайратда қолдириб, Пуаронинг ётоқхонасидан Жепнинг ўзи чиқиб келди.

— Жеп Сизнинг кадрдон дўстингиз, деб ишонаман, — деди Пуаро одоб билан Лэди Миллсентга.

— Худо жазойингни берсин! — хоним буткул ўзгарган киёфада жазаваси қўзиди. — Совуқ қари маҳлуқ! — Лэди Миллсент талваса ичида Пуарога қаради.

— Узингни бос, Жерти, азизам, — дея гап бошлади Жеп, — бу сафар уйин тугади, деб ўйлайман. Сени шунчалик тез вақт ичида учратаман, деб сира ҳаёлимга келтирмагандим! Биз сенинг оғайинингни ҳам қўлга олдик, бир кун бу ерга келиб, ўзини Лавингтон деб таништирган жентлменни.

Лавингтоннинг ўзи учун эса номи қалбаки Крокер ёки Рид исмлиридир, ақлимни танг қилиб қўйгани шуки, қайси безорилар қай кунни Голландияда унга пичоқ санчишди экан? У ўзи билан бирга молларни олиб кетган деб ўйлардик, шундай эмасми ё?!

Лекин у бундай қилмаган экан. У сенинг ишончингни бехато суистеъмол қилди, ўз уйига қимматбаҳо тошларни яширди.

Сенинг эса уларни излаб юрган иккита ошнанг ҳам бор эди кейин эса сен бу ерда мсье Пуарони топдинг ва бир чимдим ажабланирли омад туфайли у тошларни топиб берди.

— Сиз шундай гапиришни жудаям хуш кўраркансиз, шекилли, шунақами? — деди анчадан сўнг Лэди Миллсент.

— Сизга ҳозир гапириш осон. Мен тинчгина кета қолай. Лекин Сиз мени бекаму кўст хоним эмас, деб айта олмайсиз. Ҳаммангизга хайру хўш!

— Туфлилар панд бериб қўйди, — сўз очди Пуаро ҳаёл билан, ҳамон тилим калимага келмай турган дамда. — Мен сизларнинг инглиз миллатингиз устидан ўз кичик кузатишларимни олиб бордим ва инглиз хоними, ҳақиқий туғма хоним ўз туфлилари борасида ҳаммавақт алоҳида эътибор қаратишини аниқладим. У увадаси чиққан кийимларда юриши мумкин, бироқ доимо яхши пойабзал кияди. Мана бу Лэди Миллсентнинг бўлса ҳашаматли, қиммат либослари бор, лекин туфлилари арзон.

Бу Сиз бўлишингиз мумкин эмас ёки мен ҳақиқий Лэди Миллсентни кўрган бўлишим керак: у Лондонда эди, у пайтда жуда кичкина эди, бу қизнинг эса етарли даражада бу ишни қотиллатиши учун айрим юзаки ўхшашлиги бор, холос. Айтганимдай, менинг шубҳаларимни биринчи бўлиб ўйотган нарса — туфлилар бўлди, кейин эса хонимнинг ҳикояси ва унинг чиммати — булар бари эгина мелодрамали эди, а?

Чўққисиди сохта келишув хати бор хитой қутиси эса барча жиноий гуруҳларга таниқли бўлиши керак, бироқ ёғочлар уюми жаноб Лавингтоннинг кейинроқ ўзи ўйлаб чиқарган чўпчаги бўлган. Мана энди, Гастингс, умид қиламанки, Сиз кеча мени жиноий ишларда билимсиз ва саёз, деб айтганингиздай тагин кўнглимни жароҳатламасиз. Вожаб, одамлар ўзлари йиқилиб тушган тақдирларидаям менга иш топиб беришади-я!



Инглиз тилидан Қандилат ЮСУПОВА таржимаси.

ИНСОН ҚОНУН
2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

БОШ МУҲАРРИР
Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Тошқолов Акбар Жўрабоевич
Раёвиев Шеразд Миржалилович
Тожиёв Фурият Шомуродович
Искандаров Ербек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган
қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтариқмайди.

Навбатчи
Маруса Ҳосилова
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида chop этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 5820
Буюртма — V-4253


Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:
100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5



Охиратингиз обод бўлсин, УСТОЗ

ИШХОНАГА ҳар қанча барвақт келмайлик, 8-хонанинг эшик-деразалари очилиб, залда тонгинг соф ҳавоси уфуриб турарди. Бу холдан биламизки, устоз ишда...

Ҳа, журналистикада ўзига хос мактаб яратган, ёзган мақола-ю суд очерклари, детектив қиссалари газетхонлар томонидан илиқ кутиб олинган Зайниддин Мамадалиев ҳар доим ишга жуда эрта келар ва ўзи ўтирадиган ўша 8-хонанинг эшик-деразаларини очиб бу масканга файз бағишларди.

Афсуски, устоз бугун орамизда йўқ. Ўтган ҳафтанинг 25 июль куни бу фоний дунёни 61 ёшида тарк этди. Устоздан кўпгина шогирдларига журналистиканинг залворли йўлида ҳалол ва фидойилик кўрсатиш фазилати, фарзандларига эса, юксак тарбия, инсоний фазилатлар мерос бўлиб қолди, десак адашмаймиз.

Шуни айтиш керакки, Зайниддин Мамадалиев газетачиликда мустақам ирода, юксак билим ҳамда тажриба билан меҳнат қилди. Хусусан, у киши "Туркистон" ҳозирги "Ёшлар овози" газетасида мусахҳиҳликдан то Бош муҳаррирликкача бўлган йўлни босиб ўтди. Ундан сўнгра бир неча йиллар "Ҳуқуқ" газетасида ҳам масъул лавозимларда ишлади. Сўнги 10-12 йил давомида эса, Адлия вазирлигининг "Инсон ва қонун" газетасида бўлим бошлиғи лавозимида самарали фаолият олиб борди.

Устоз, Сизнинг ёрқин хотирангиз қалбларимизда мангу қолади. Сиз босиб ўтган йўл биз шогирдларга ҳамиша ибрат бўлади. Охиратингиз обод бўлсин.

"Инсон ва қонун" газетаси жамоаси

МУҚАДДАС ТУШУНЧАСИ НИМА?

Чунки мен журналист эмасман, ижодкор ҳам. Сўзларим, жумлаларим агарда нотўғри ёзилган бўлса уэр сўрайман.

Қисқача қилиб айтганда, оддий тилда ёзгим келди.

Кўпгина журналистлар мақола ёзиш мақсадида қизиқарли, аҳолини эътиборини тортадиган ёки жунбушга келтирадиган суд қарорларидан, яъни ҳукмдан нусха беришни сўраб мурожаат қилиб келишади.

Тўғри, суд очерклари кўпчилик учун қизиқарли, лекин сийқаси чиққан мавзу. Кимдир кимни алдаган, кимдир ўғирлик қилган ва ҳоказо.

Лекин маънавиятимиз, жамиятнинг ва халқнинг эътиборида бўлган, бироқ ҳеч ким эътибор қаратмайдиган муаммолар, ҳолатлар хусусида мақолалар нисбатан кам.

Мисол учун, оила деб аталмиш дунёда оила қуришда эътибор қаратиш керак бўлган жиҳатлар, ота собиқ турмуш ўртоғига аччиқ қилиб, фарзандига алимент тўламаслиги, аёлнинг эса собиқ турмуш ўртоғидан ўч олиш учун унга фарзандини кўрсатмаслиги, фарзандга ота-она бир бирларини ёмонлаб, жамиятга, оилага нисбатан нафрат ҳиссини уйғотиши эътибордан четда қолади.

Ёки тўда-тўда бўлиб санғиб юрган итлар галаси кўча-куйда кўп учрайди, бироқ бу ҳолатдан ҳамма ўзини четга тортади.

Тўғрироғи, маънавиятимиз хусусида сўз-юритмоқчиман.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан жамиятда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш борасида сайёр суд мажлислари ўтказилиши, ҳуқуқ тарғибот ишлари амалга оширилиши белгилаб берилди.

Шу қатори, сайёр суд мажлислари ўтказилишида ва аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказишда ажиб бир ҳолатга гувоҳ бўлдим. Шу тартибни Сизлар билан ўртоқлашмоқчиман.

Айтингчи, ўзимиз билган, англаган "Муқаддас" таърифи берилган тушунчаларга таъриф беринг. Мисол учун муқаддас ватан, муқаддас оила, муқаддас ота-она.

Бу сўзларни ҳар куни, ҳар соатда, ҳар дақиқада эшитамиз, бироқ у қулоғимиздан кириб, бу қулоғимиздан чиқиб кетади. Яна бу сўзларни эшитиб жигибийрон бўладиган, уф тортадиган, керак бўлса юзини бурадиган кимсалар бор.

Мавзуни давом эттирган ҳолда савол туғилади, яна қандай "муқаддас" таърифи берилган тушунча бор?

Тўғри, муқаддас таърифи берилган тушунчалар кўп, бироқ асосийлари юқорида баён этилганлар, яна бир асосий "муқаддас" таърифи берилган тушунча

бу динимиз нуқтаи назаридан Оллоҳнинг каломи ҳисобланган "Қуръони карим" дир.

Энди айтингчи, "Қуръони карим"ни дин тарафлама олганда, бетаҳорат ушлайдиган бирор бир киши ёинки кўштирноқ остидаги "мард" борми?

Ҳар доим, кўпчиликдан бу саволдан ҳушёр тортиб, эътибор беринг, ҳушёр тортиб "Йўқ" жавобини олдим.

Нима учун барча бу ишни увол билишади, кўрқишади, ушбу китобга ҳурмат руҳияти бошқача. Яна ҳушёр бўлишади.

Чунки, бизга туғилгунимизга қадар ва туғилиб, ҳаётда яшай бошлаганимиздан бошлаб, оңгимизга, ақлу шууримизга ушбу жумла жо қилинган. Увол, увол ва яна увол.

Хўш, масаланинг иккинчи жиҳатига тўхталадиган бўлсак.

Тасаввур қилайлик тарози икки палладан иборат. Ушбу тарозининг бир палласида "муқаддас" таърифи берилган "Қуръони карим" турса, иккинчи палласида муқаддас таърифи берилган "Ватан" туради. Яъни, иккаласи бирдек тенг аҳамиятга, қудратга ва қадрга эга.

Ёки бир палласида "Қуръони карим" турса, иккинчи палласида "муқаддас" таърифи берилган "оила", "ота-она" туради. Улар ҳам "Қуръони карим" билан бирдек тенг аҳамиятга эга.

Қизиқ савол туғилади.

Нега биз китоб ҳисобланмиш "Қуръони карим"ни бетаҳорат ушлашга кўрқамизу, ватанга хиёнат қилишдан кўрқмайдиганлар бор?

Пул учун Ватанини сотадиганлар бор. Ватанидан ўзга юртларни устун кўрадиганлар бор.

Нега "Қуръони карим"ни бетаҳорат ушлашга кўрқамизу, "оила" сига хиёнат қилишдан кўрқмайдиганлар бор?

Ойдек оиласини ташлаб, эрига ёки хотинига хиёнат қилаётганлар бор. Қадимдан бундай инсонлар қаттиқ жазоланган, халқдан айро қилинган.

Нега "Қуръони карим"ни бетаҳорат ушлашга кўрқамизу, "ота-она"сига хиёнат қилишдан, уларни хафа қилишдан кўрқмайдиганлар бор?

Ахир ота-онаси қаргаган, оқ қилган фарзанднинг бири икки бўлмаслиги халқимизда бор ақидалардан бирику. "Ота қарғиши ўқ" жумласи ҳам халқимизнинг минг йиллик ақидаларидан бирику. "Отаси урган фарзанд бахтсиз бўлади", жумласи ҳам шу кабилардандир.

Орамизда отасини, онасини ҳақоратлайдиган, урадиган, уларни қийнаб, азоб берадиган кимсалар ҳам бор.

Жавоб битта, бизнинг онг-онгимизга "Қуръони карим"ни муқаддаслигини ота-боболаримиз, оналаримиз, барча-барча сингдириб юборишган.

Ушбу тушунчаларни айнан "Қуръони карим" билан солиштиришдан мақсад, барчани ҳушёр тортириш, теран фикрлашга, ўйлашга ва албатта таҳлил қилишга ундашдан иборат.

Билиб олайлик, бу тўрт унсур бирдек қимматга, бирдек аҳамиятга, бирдек қадрга эга.

Кимда ким, шу тўртала "муқаддас" унсурларга хиёнат қилса, топтаса, билалйликки у кимсанинг бири икки бўлмайди.

Агарда биз, ёшларни, халқимизни шу тўртала "муқаддас" таърифи берилган ватан, оила, ота-она ва албатта "Қуръони карим"ни қадрига етсак, уларни ардоқласак, севсак, уларни муқаддаслигини онгимизга, бутун шууримизга, танимизга сингдирсак, демек билингки бизда хоинлар бўлмайди, сотқинлар бўлмайди, хиёнатчилар бўлмайди.

Бу эса барча-барчамизнинг вазифамиз, керак бўлса, албатта, қилишимиз шарт бўлган бурчимиздир.

Хоини, сотқини, хиёнатчиси йўқ юрт эса бардавом, фаровон ва албатта жаннатмакон бўлиши аниқ.

Абдусаттор АБДУРАЗЗАКОВ,
 жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон шаҳар суди раиси

"Инсон ва қонун" газетаси жамоаси меҳнат фахрийси, журналист **Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси вазирликнинг Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи Ўткир Назаровга онаси **Самия Жўраева**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази жамоаси Марказ директорининг матбуот котиби — ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Фулом Мирзаевга уқаси **Ҳошим МИРЗАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси жамоаси бошқарма ҳайдовчиси **Собир САМАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.